

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ХАЛҚАРО АРБИТРАЖ ТРИБУНАЛИНИНГ АДОЛАТЛИ ҚАРОРИ

Ўзбекистонда мақбул инвестиция муҳити яратилган. Чет эллик инвесторлар фаолияти ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда улар инвестицияларининг қонунчилик асоси шакллантирилган. Инвестицияларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосини «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунлар таъминлайди. Ўзбекистон инвестицияларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий дастакларини белгилайдиган бир қатор халқаро конвенцияларнинг иштирокчисидир, бу соҳада кўп мамлакатлар билан икки тарафлама битимларга эга. Мамлакатимиз халқаро шартномалар ва битимлар бўйича ўз мажбуриятларини астойдил бажариб келяпти.

Бироқ чет эл компаниялари мамлакатимизни ўзларининг тижорий фаолиятлари билан боғлиқ низолаҳа асоссиз равишда жалб этишга уринадиган ҳоллар учраб туради. Бунга мисол сифатида Швейцариянинг «Romak S.A.» компанияси Халқаро арбитраж трибунаliga топширган, Ўзбекистон Республикасига қарши даъвоини келтириш мумкин.

26 ноябрда Доимий арбитраж судининг (Permanent Court of Arbitration. The Hague The Netherlands) маъмурий қўллаб-қувватлаши билан ЮНСИТРАЛ арбитраж қоидалари бўйича фаолият юритувчи Халқаро арбитраж трибунаli Ўзбекистон фойдасига ҳал қилув қарори қабул қилди ва яна бир маротаба бизнинг халқаро ҳуқуқ принциплариға риюа қилишға содиқлиғимизни тасдиқлади.

Ўзбекистонға қарши даъвоини дон ва дон маҳсулотлари олди-сотдисиға ихтисослашган «Romak S.A.» компанияси қўзғади. Арбитраж жойи Париж эди. Ишнинг моҳияти қуйидагичадир. «Romak S.A.» ўзбек ва қозоқ корхоналари билан шартнома муносабатлариға киришиб, 1996 йилдан бошлаб Ўзбекистон корхоналари учун дон етказган. Ўзбекистон корхоналари билан юзаға келган низо муносабати билан «Romak S.A.» низоини арбитраж тартибида ҳал этиш учун ГАФТА (GAFTA)ға мурожаат қилди. ГАФТА арбитраж суди «Romak S.A.» компанияси фойдасига ҳал қилув қарори қабул қилди ва Ўзбекистоннинг «Ўздон» корхонаси зиммасига «Одил» компанияси учун контракт суммасини тўлаш мажбуриятини юкледи.

2000 йилда Швейцария компанияси Тошкент шаҳар хўжалик судиға ГАФТА арбитражининг қарорини ижро эттириш мақсадида ариза топширди. Бунинг учун Чет эл арбитраж судларининг ҳал қилув қарорларини ижро этиш бўйича Нью-Йорк конвенцияси асос бўлиб хизмат қилди. Бироқ суд Конвенция талаблариға жавоб бермаганлиги боис компаниянинг аризасини қондиришни рад қилди.

Нью-Йорк конвенциясининг талаблариға мувофиқ келадиган ариза топшириш ўрниға «Romak S.A.» компанияси асоссиз равишда Халқаро арбитражға даъво тақдим этди. Унга кўра гўё Ўзбекистон мамлакатимиз билан Швейцария Конфедерацияси ўртасида 1993 йил 16 апрелда имзоланган Инвестицияларни рағбатлантириш ва бир-бирларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимни бузаётган эмиш. Ушбу Битим ахдлашувчи тарафларнинг инвестицияларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш мақсадида тузилган бўлиб, ЮНСИТРАЛ қоидалари бўйича арбитраж муҳокамасини бошлаш имкониятини назарда тутди.

Арбитраж муҳокамасида «Romak S.A.» компанияси ўзини инвестор, дон олди-сотдиси контракти ҳамда ГАФТАнинг арбитраж қарори бўйича ўз ҳуқуқларини Инвестицияларни ҳимоя қилиш бўйича битимға мувофиқ қилинган инвестициялар деб эълон қилди.

«Romak S.A.» компанияси билан дон етказиб бериш бўйича тузилган контракт бир марталик ҳамда худуд ва вақт бўйича чекланган тусға эғалиги сабабли, шунингдек мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришға инвестицион капитал қўйилмаси ҳисобланмаслиги боис, Инвестицияларни ҳимоя қилиш бўйича битимға кўра, уни арбитраж трибуналида кўриш мумкин эмас. Битим Ўзбекистон Республикаси билан Швейцария Қонфедерацияси ўртасида инвестициялар учун қулай шарт-шароитлар яратиш йўли билан иккала давлатнинг иқтисодий гуллаб-яшнашиға имкон яратиш мақсадида тузилган. Бошқача айтганда, у фақат инвесторларнинг ҳуқуқларини ва ахдлашувчи тарафлар худудида улар амалға оширган инвестицияларни ҳимоя қилади.

Ўзининг ҳал қилув қарорида арбитраж трибунали Ўзбекистоннинг далил-исботлариға қўшилди, уларда трибуналда ушбу даъвоини кўриб чиқиш ҳуқуқининг йўқлиги кўрсатилган эди, чунки «Romak S.A.» компанияси ҳеч қачон мамлакатимизға Битим билан ҳимояланган инвестицияларни амалға оширмаган. Бинобарин, дон етказиб бериш контракти инвестиция ҳисобланмайди.

Халқаро арбитраж трибунали «инвестициялар» атамасига аниқлик киритди ва «инвестициялар» тушунчаси, Инвестицияларни ҳимоя қилиш бўйича битимға кўра, муайян вақт давриға чўзиладиган ва бир қадар хатар келтирадиган ҳисса сифатида тушунилишини белгилади.

Шу тариқа, ўзининг ҳал қилув қарорида арбитраж трибунали «Romak S.A.» Битимнинг 1-моддасига мувофиқ келадиган инвестициялар қўймаганлигини кўрсатди. «Romak S.A.»нинг ҳуқуқлари олди-сотди контракти, яъни бир марталик тижорий битимдан келиб чиқади ва унга боғлиқдир. Ана шу битимға кўра Швейцария компанияси Ўзбекистон корхоналариға ҳақ эвазига дон етказиб бериш мажбуриятини олган. Кўриб чиқилган низода инвестициялар йўқлиги боис Ўзбекистон Республикаси арбитраж муҳокамаси учун тараф ҳисобланмайди ва арбитраж трибуналида ушбу масалани ҳал қилиш ҳуқуқи мавжуд эмас.

Халқаро арбитраж трибунаlinинг ҳал қилув қарори Доимий арбитраж судининг сайтида (рса – сра.org) чоп этилган.

Таниқли хорижий амалиётчи юристларнинг фикриға кўра, Халқаро арбитраж трибунаlinинг ҳал қилув қарори инвестиция арбитражлари учун жуда катта аҳамиятға эғадир, чунки у икки тарафлама инвестиция битимларида «инвестициялар» атамасини белгилашға ёрдам берадиган мезонни белгилади.

Есемурот КАНЪЯЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари.
(«Правда Востока», 2009 йил 31 декабрдаги 250 (26694)-сон).

Фармон ва ижро

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2009 йил 30 декабрда қабул қилинган «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони аҳолини ижтимоий муҳофазалашни янада такомиллаштиришға хизмат қилади.

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ – ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳолининг манфаатларини таъминлаш Юртбошимиз олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналишини ташкил қилади. Ўзбек модели сифатида тан олинган мустақил тараққиёт йўлимининг негизида машҳур беш тамойилдан бири – кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш экани бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб бозор иқтисодиёти муносабатлариға ўтиш жараёнида эл-юртимиз ҳаётиға кескин салбий таъсир кўрсатадиган оқибатларни имкон қадар камайтириш, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим ва ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этиш бўйича кенг қўламли ва қамровли ишлар амалға оширилди.

Ўтган 2009 йилда аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизға, ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўртача 40,0 фоизға ошди.

Давлат бюджетининг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашға қаратилган умумий харажатлари 2009 йилда 56,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 59 фоиздан ошади.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида давлат пенсияларининг ягона тизими, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартиби белгиланган.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2009 йил 30 декабрда қабул қилинган «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ушбу механизм самарадорлигини оширишни кўзда тутди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармониға кўра, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўла-нолишини ҳисобға олиш ва мониторингини юритиш вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда ташкил этиладиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлинмала-

ри томонидан амалға оширилади.

Айни пайтда ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси зиммасига қўшимча вазифалар юкланган. Янги тузилма фуқароларға пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсиялар ҳамда бошқа тўловларнинг миқдори қайта ҳисоблаб чиқишини таъминлайди. Меҳнат майиблиги ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик бўйича тайинланган пенсияларға доир муносабатларни амалға оширади.

Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси таркибида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат бошқармаси ва унинг худудий бўлинмаларида тегишли бўлимлар ташкил қилинади. Улар томонидан янги тайинланган пенсия ва нафақаларнинг ҳисоблаб чиқилиши, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилиши тўғрисида, шу жумладан фуқароларнинг пенсияға оид ҳужжатлар йиғмажилдида бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишонарлилигини текшириш йўли билан ёппасига текширувлар амалға оширилади. Ишловчи пенсионерларға мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар, маассасалар томонидан пенсиялар ҳамда нафақаларнинг ҳисоблаб ёзилиши ва тўла-нолиши тўғрисидаги режа асосида текширади. Бу эса ўз навбатида фуқароларға пенсия ва нафақалар ўз вақтида ва тўлиқ тўланишининг тизимли мониторингини олиб бориш, қоидабузарликларға қарши тегишли чораларни кўриш имконини беради.

Эл-юртимизға хизмати сингган, катта ҳаётий ўғитлари билан ибрат бўлиб келадиган муҳтарам фахрийлар ва пенсионерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар соғлом ва мазмунли умр кечириши учун барча шарт-шароитни яратиш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатлар бунинг ёрқин далилидир. Президентимизнинг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам ана шундай эзгу мақсадға хизмат қилади.

ЎЗА материали асосида.

УШБУ
СОНДА

1-бет

**Пенсия таъминоти
такомиллашади**

2-бет

**Маслаҳатни
юрист беради**

3-4-бетлар

**Кимларға кредит
берган маъқул?**

5-14-бетлар

**Янги қонун
ҳужжатлари**

\$1 = 1513,60 сўм

€ 1 = 2188,36 сўм

£1 = 2457,33 сўм

¥10 = 163,17 сўм

АСОСИЙСИ, ИШ БАЖАРИЛСИН



Газета саҳифаларида куйидаги саволларга жавоб беришингизни сўрайман. Давлат муассасаси ходими ўриндошлик тартибидида штат жадвали бўйича икки-уч ставкада ишлаши мумкинми? Қонунчилик лавозимларни бирга бажаришни чеклаши ва бир ходим учун 1,5 ставкадан кўп бўлишига йўл қўймаслиги тўғрими? Ўриндошлик учун ходимларга қўшимча ҳақ миқдорида чеклашлар борми?

Г.Цой.

– Қонун ҳужжатларида ходим штат бирлигининг 1,5 ставкасидан кўп ставкани эгаллашга ҳақли эмаслиги айтилмаган. Иш вақтининг чегаралари мавжуд, бироқ «ўриндошлик тартибидида қўшимча мажбуриятларни бажариш вақт билан эмас, балки унинг учун белгиланган вақтда асосий иш билан бир вақтда ходимнинг қўшимча иш ҳажмини бажариш салоҳияти ва имконияти билан белгиланади»¹. Шу тариқа, бир ходимнинг белгиланган иш вақти доирасида² бир неча касбда ишлаши қонуний ҳисобланади. Бироқ бунда реал имкониятларни ҳисобга олиш лозим – ходим амалда асосий ишни ҳам, ўриндошлик ишини ҳам бажаришга амалда улгурishi керак.

Бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик учун ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги ке-

лишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан белгиланади (МКнинг 160-моддаси). Меҳнат кодексидида бир неча касбда ишлаганлик учун қўшимча ҳақ миқдори бобида ҳеч қандай чеклашлар мавжуд эмас. Корхоналар ўзларининг моддий имкониятларидан келиб чиқиб, бир неча касбда ишлаганлик учун қўшимча ҳақлар миқдорини мустақил белгилашлари керак. Бунинг учун ходим билан битим тузиш лозим, унда касбларда ишлаш ва ҳақ тўлаш тўғрисидаги шартлар назарда тутилиши керак. Агар корхонада жамоа шартномаси тузилган ёки Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисида низом қабул қилинган бўлса, улар бир неча касбда ишлаш ёки хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтириш чоғида ходимга тўланадиган қўшимча ҳақ миқдорини тартибга солиши керак. Бундай локал меъёрий ҳужжатлар бўлмаса, бир неча лавозимда ишлаганлик учун қўшимча



ҳақ корхона раҳбарининг махсус буйруғи (фармойиши) асосида тўланиши мумкин.

Бироқ шуни эътиборга олиш лозимки, қонунчилик бир неча касбда ишлаганлик учун тўланадиган ҳақ миқдорида чеклашларни белгиламаган бўлса-да, уларнинг маъмурият томонидан белгиланишига йўл қўяди. У мазкур давлат муассасаси фаолиятини ва уни молиялашни тартибга соладиган локал ҳамда бошқа ҳужжатларда назарда тутилиши мумкин.

МУАССИСГА СТАЖ КЕРАК



МЧЖни битта муассис – унда ишламайдиган жисмоний шахс ташкил этган. Бироқ муассис ҳам унга иш ҳақи ҳисоблаб ёзилишини, пенсия дафтарчаси очилишини ҳамда Пенсия жамғармасига ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ажратмалар қилинишини хоҳлайди. Буларни қандай қилиб тўғри расмийлаштириш мумкин?

Бухгалтер.

– Иш ҳақи олиш учун ишлаш керак. Муассис директор, иқтисодчи, бошқа мутахассис ёки ишчи сифатида меҳнат фаолиятини амалга оширишга ҳақли. Бундан ташқари, у ўз қарори билан штатга янги лавозим (бирлик) қўша олади, бу ҳақда тегишли баённома тузилади. Сўнгра МЧЖ директорининг буйруғи билан янги штат жадвали амалга киритилади ва янги лавозимга муассис қабул қилинади, у билан меҳнат шартномаси тузилиши лозим. Умумий тартибда меҳнат дафтарчаси тузилади (агар у илгари бўлмаган бўлса), унда ишга қабул қилинганлиги ҳақида ёзув қайд этилиб, шахсий жамғариб бориловчи пенсия ҳисобварағи (ШЖБПХ) очилади ва жамғариб бориловчи пенсия дафтарчаси юри-тилади. Ходим-муассисга ҳисоблаб ёзиладиган иш ҳақидан мажбурий тўловлар ажратилади.

Штатга бирлик қўшмасдан фуқаролик-хуқуқий шартнома тузиш мумкин. Бу ҳолда МЧЖ ходим-муассисга у бажарган иш учун ҳар ойда ҳақ ҳам тўлайди ва ундан мажбурий бадаллар, шу жумладан ижтимоий тўловларни ушлаб қолади. Умумий тартибда ШЖБПХ очилади, бироқ мазкур ҳолда меҳнат дафтарчасига ёзув қайд этилмайди.

Бу ҳолда ҳам, бошқа ҳолда ҳам муассис меҳнат фаолияти ёки фуқаролик-хуқуқий фаолиятни амалга ошириши, МЧЖ эса унинг иш ҳақидан тегишли тўловларни (ЯИТ, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва ҳоказо), шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни амалга ошириши кераклигини ҳисобга олиш лозим.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминотида келсак, унда ишга ўрнашмасдан ҳам иштирок этиш мумкин. Чунончи, «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун (2004 йил 2 декабрдаги 702-II-сон) ШЖБПХга бадалларни ихтиёрий равишда тўлаш ҳуқуқини беради. Бунинг учун жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқаро сифатида ҳисобга олиш тўғрисидаги ариза билан яшаш жойидаги Халқ банки филиалига мурожаат қилиш керак. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

Халқ банки томонидан фуқароларнинг паспорт маълумотлари асосида умрбод бериладиган доимий шахсий рақам билан бирга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очиш;

Халқ банки томонидан фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси бериш.

Кўнгиллилар ўз ШЖБПХларига, шу жумладан учинчи шахслар фойдасига бадалларнинг миқдори ва муддатларини мустақил равишда белгилайдилар. Ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари омонатчининг танловига кўра Халқ банкнинг исталган филиалига киритилади, киритиш суммаси ва даврлари билан чекланмайди.

Жавобларни «Норма» МЧЖ юристи Мария ТУХТАРОВА тайёрлади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юриштиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

	29.12.09й.	5.01.10й.		29.12.09й.	5.01.10й.
1 Австралия доллари	1340,76	1357,25	1 Польша злотийси	524,86	525,65
1 Англия фунт стерлинги	2461,47	2457,33	1 СДР	2370,86	2372,86
1 Дания кронаси	292,26	290,62	1 Туркия лираси	1000,00	1011,43
1 БАА дирҳами	411,49	412,48	1 Швейцария франки	1459,73	1459,17
1 АҚШ доллари	1511,40	1513,60	1 ЕВРО	2213,75	2188,36
1 Миср фунти	274,90	276,41	10 Жанубий Корея вони	12,93	13,11
1 Исландия кронаси	11,99	12,10	10 Япония иенаси	165,13	163,17
1 Канада доллари	1443,83	1446,07	1 Россия рубли	51,36	50,14
1 Хитой юани	221,37	221,71	1 Украина гривнаси	189,73	189,95
1 Малайзия ринггити	441,54	442,96			

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	30.12.2009	1	0,8031	1	1,1499	1	0,0266
Арманистон	30.12.2009	1	377,89	1	542,23	1	12,50
Беларусь	1.01.2010	1	2859,00	1	4119,53	1	94,53
Грузия	31.12.2009	1	1,6858	1	2,4195	1	5,574
Қозоғистон	1.01.2010	1	148,46	1	213,95	1	4,90
Қирғизистон	26.12.2009	1	44,0917	1	63,5229	1	1,4984
Латвия	4.01.2010	1	0,49	1	0,702804	1	0,0163
Литва	4.01.2010	1	2,3958	1	3,4528	10	7,9033
Молдова	31.12.2009	1	12,3017	1	17,6252	1	0,4066
Тожикистон	1.01.2010	1	4,3714	1	6,3102	10	1,4354
Ўзбекистон	5.01.2010	1	1513,60	1	2188,36	1	50,14
Украина	31.12.2009	100	798,50	100	1144,8893	10	2,6402
Эстония	30.12.2009	1	10,9024	1	15,6466	1	0,360439

Манба: www.prime-tass.ru

• УСТУВОРЛИКЛАР

– Халқаро арбитраж трибуналининг адолатли қарори

– Пенсия таъминоти – ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналиши **1-бет**

• ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Асосийси, иш бажарилсин

– Муассисга стаж керак

– Валюталар курси **2-бет**

• МОЛИЯЛАШТИРИШ

– Кредит тарихи: моҳият ва афзалликлар

3-4-бетлар

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:

– «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»;

– «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар кири-

тиш ҳақида».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:

– «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» (кўчирма);

– «Санот кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарорлари:

– «Тошкент шаҳрида Нағоя университетининг ваколатхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»;

– «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида»;

• ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ

– ЎЗР адлия вазирининг «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

5-14-бетлар

• top

15-16-бетлар

КРЕДИТ ТАРИХИ: МОҲИЯТ ВА АФЗАЛЛИКЛАР

Янги йил арафасида Жаҳон банки гуруҳи аъзоси – Халқаро молия корпорацияси (IFC) Ўзбекистонда молия инфратузилмасини мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли ва кичик бизнес аҳли кенг қатламларининг молиялаштиришдан баҳрамандлигини кенгайтириш лойиҳаси кучга кирганлигини эълон қилди. Лойиҳа IFC томонидан Швейцария ҳукумати билан ҳамкорликда амалга оширилаётган Марказий Осиё мамлакатлари – Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистонда, шунингдек Озарбайжонда молия инфратузилмасини мустаҳкамлашга доир уч йиллик лойиҳанинг (ACAFI) узвий қисми ҳисобланади.

Лойиҳа алоҳида аҳамиятга эга, зотан ундан қўзланган мақсад молия бозори инфратузилмасини кредит ахбороти айирбошлаш ҳамда молия институтлари ходимларини касбга ўргатишни жорий этиш ва таҳдид-таваккалчиликларни бошқариш соҳасида уларни сертификатлашнинг самарали тизимини барпо этиш йўли билан такомиллаштиришдан иборатдир.

Кредит ахбороти тарқатилишини ҳамда кредит бюрolari амалга оширадиган юмушларни тартибга солиш норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, молия институтларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда аҳолининг кредит бюрolari ролидан ва таҳдид-таваккалчиликларни бошқариш соҳасидаги сертификатлаштириш дастурларидан хабардорлигини ошириш муҳим бўлган санади. Бу нарсa кредит мажбуриятлари бўйича жавобгарликни оширишни, ҳозирги ва потенциал қарз олувчиларнинг субутли бўлишини шакллантиришни рағбатлантиради, бу ҳол ўз навбатида хусусий истеъмолчилар ҳамда кичик бизнес вакиллари молиявий хизматлардан эмин-эркин, кенг фойдаланишини таъминлайди. Молиялаштиришдан эмин-эркин баҳраманд бўлиш эса тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири эканлиги барчага маълум.

САВОДСИЗЛИКНИ ТУГАТИШНИ ҚЎЗЛАБ

Молия бозори инфратузилмасини такомиллаштириш масалаларини оммавий ахборот воситаларида тўғри, билимдонлик билан ёритишнинг аҳамиятини эътиборга олиб, IFC Марказий банк Кредит ахбороти миллий институти, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Банклараро кредит бюроси билан биргаликда ACAFI лойиҳасини ишга солиш арафасида журналистлар учун «Ўзбекистон Республикасида молия инфратузилмасини мустаҳкамлаш» мавзусида семинар ўтказди. Маърифий йўналишдаги бу тренингда кредит ахборотини айирбошлаш ва менежерларнинг таҳдид-таваккалчиликларини халқаро сертификатлаш борасидаги билимларини ошириш назарда тутилган бўлиб, унда газетамиз мухбири ҳам иштирок этди.

Кредитлаш тизими ривожланишига қараб кредит жараёнлари инфратузилмасининг ўрни ва аҳамияти кенгайиб боради. Мазкур тизим кредит муассасалари фаолиятини тўлдирди, кредит фаолиятида таҳдид-таваккалчиликларни камайтиришни, бу фаолиятнинг даромад келтиришини кўпайтиришни қўзлайди, деди IFCнинг Марказий Осиёда ва Озарбайжонда молия инфратузилмасини мустаҳкамлаш лойиҳаси мувофиқлаштирувчиси Ориф Насибов «Кредит ахбороти айирбошлаш тизимининг роли ва афзалликлари» деган маърузасида. Таҳдид-таваккалчиликларни камайтириш ёки кредит маҳсулотига сийловлар тизимини жорий этиш учун жаҳон амалиётида кредит бюрolari хизматларидан фойдаланиб келадилар, бу борада қарздорлар ҳақидаги қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган маълумотлар туркуми бор, уни кўпроқ «кредит тарихи» деб юритадилар. О.Насибов мазкур тузилмаларни ривожлантиришга қаратилган IFC Глобал дастури ҳақида сўз юритганда ана шуларни алоҳида қайд этди. Дастур доирасида 61 мамлакатга маслаҳат тарикасидаги хизматлар кўрсатилди, 13 та мамлакатда, хусусан Босния, Болгария, Руминия, Коста-Рика, Гватемала, Гондурас, Никарагуа, Панама, ЖАР, Покистон, Миср, Марокаш ва Нигерияда кредит бюрolari ташкил этилди ёки шундай бюрolariга ёрдам

кўрсатилди. Мазкур бюрolariга 2008 йили 38,9 млн сўров тушди, кредитлаш ҳажми эса 19 млрд долларни ташкил этди. 21 мамлакатга янги қонунлар ва низомларни ишлаб чиқишда кўмак берилди. Россия, Қозоғистон ва Тожикистонда эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга шарҳлар тайёрланди.

Халқаро молия корпорацияси кредит ахбороти айирбошлашни кучайтириш соҳасида етакчилардан деб эътироф этилган бўлиб,



у Глобал дастур доирасида ҳамкорлиқнинг учта устувор йўналишини белгилаб олди.

Биринчидан, бу давлат органларига маслаҳат йўсинида хизматлар кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий соҳани таҳлил этиш, стандартларни белгилаб олиш йўли билан кредит ахбороти айирбошлаш муҳитини

IFC ТЎҒРИСИДА

Халқаро молия корпорацияси асосий эътиборини ривожланаётган бозорларда барқарор тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш хусусий секторни ривожлантиришга қаратиб келаётган халқаро молия институтидир. IFC Жаҳон банки гуруҳи аъзоси сифатида ривожланаётган мамлакатларда барқарор иқтисодий ривожланишга хусусий сектор равнақ топтирилишини қўллаб-қувватлаш, хусусий капитални сафарбар этиш ҳамда компаниялар ва ҳукуматларга маслаҳат тарзидаги хизматлар ва таҳдид-таваккалчиликларни камайтириш хизматлари кўрсатиш орқали ёрдам бериб келмоқда. 2009 молия йилида IFC 14,5 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритди ва шу йўл билан ривожланаётган мамлакатларга молиявий инкироз даврида сармоя кириб келишини таъминлади.

яратишдир. Глобал дастурни Бразилия, Хитой, Панама, Руминия, Вьетнам, Жазоир ва Камбоджада амалга оширишда айна шу жиҳатларга алоҳида эътибор берилди.

Иккинчидан, дастлабки тарзда таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида, жаҳоннинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда операция йўл билан қўллаб-қувватлаш негизда **янги кредит бюрolari ёки давлат кредит реестрларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни қарор топтиришдир.** Бундай стратегия жумладан Мисрда, Марказий Америкада, Руминия ва Жазоирда қўлланилди. Учинчидан, ижобий ахборотни айирбошлаш, қўшимча хизматлар кўрсатилишини жорий этиш, мақбул тижорат ечимларини излаш востисида ЖАР ҳамда Покистонда бўлгани каби **амалдаги кредит бюрolariни ривожлантиришдир.**

КРЕДИТ ТАРИХЛАРИНИНГ ХАЗИНАБОНИ

Ўзбекистон МДҲга аъзо давлатлар ичида биринчилардан бўлиб кредит ахбороти ҳисобини олиб боришнинг икки босқичли тизимини Вазирлар Маҳкамасининг «Қарздорларнинг кредит тарихлари тўғрисидаги ахборотларнинг ҳисобини юритиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2004 йил 23 апрел-

даги 197-сон қарор, бундан кейин матнда 197-сон қарор) билан барпо этди. Бу республика Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институти ҳамда Ўзбекистон банклар ассоциацияси ҳузуридаги Банклараро кредит бюросидир. **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институти (КАМИ) директори Нурали Холмуротов** тақдимотни ана шу тарзда, яқин ўтмиш кунларига назар ташлашдан бошлади ҳамда кредит ахборотини айирбошлаш тизимларини ривожлантириш борасидаги чет эл тажрибасига тўхтади. Чет эл тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай тизимни ташкил этиш самарали кредит сиёсатини ва банклар барқарорлигини таъминлашнинг зарур шартидир. Бинобарин, қайтарилмаган ва муддати ўтказиб юборилган кредитлар муаммоси бутун жаҳонда кескинлигича қолмоқда.

Кредитлаш ҳажми ва қарздорлар миқдори, айниқса истеъмол кредити ва микрокредитлаш соҳасида кўпайиб бораётган бир шароитда банклар потенциал мижозлар ҳақида ўз кучлари билан тўлақонли ахборот олишга ҳамиша ҳам муваффақ бўладилар деб бўлмайдми. Негаки, бу нарсa кўп вақт, кўп маблаг талаб қилади, пировардида эса унча йирик бўлмаган кредитлар беришда харажатлар даромадлардан ортиб кетади. Банклар ана шу муаммоларни ҳал этиш учун қарздорларнинг тўлов лаёқати ҳақида ихтисослашган ташкилотлар орқали кредит ахбороти алмашиб турадилар. Кредит ахборотлари айирбошлашнинг ҳар хил тизимлари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда, Масалан, Озарбайжон, Беларусь, Франция ва Чехияда давлат реестрлари бор, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва АҚШда эса фақат хусусий кредит бюрolari фаолият кўрсатмоқда. Давлат реестри билан бир қаторда кредит ахборотини ҳисобга олишнинг бизники сингари икки босқичли тизими Германия ва Австрияда ишлаб турибди.

Шуни таъкидлаш керакки, Австралия, Дания, Янги Зеландия ва Норвегияда қарздорлар ҳақидаги фақат салбий ахборотларни тўплайдилар. Бизнинг мамлакатимизда, шунингдек АҚШ, Франция, Германия ва Англияда, масалан, ҳам ижобий, ҳам салбий маълумотлар базаси шакллантирилмоқда. Махсус институтларга ахборот тақдим этиш кўнгилли тартибда (Қозоғистон, Россия, АҚШ, Германия), шунингдек мажбурий тартибда (Франция) йўлга қўйилиши мумкин.

МДҲга аъзо мамлакатлардан Қозоғистон, Россия, Украина, Молдова, Арманистон, Беларусь ва Тожикистонда кредит ахбороти айирбошлаш тизими фаолиятининг ҳуқуқий асоси уларда яқинда қабул қилинган тегишли қонунлардир. Ўзбекистонда бу соҳа юқорида қайд этиб ўтилган 197-сон қарор ҳамда **Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюроси ва тижорат банкларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисида низом** (Марказий банк бошқарувининг 2006 йил 18 апрелда Адлия вазирлиги томонидан 1562-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) билан тартибга солинади. Ҳозирги вақтда Марказий банк томонидан «Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти айирбошлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, белгиланган тартибда ҳукумат муҳокамасига тақдим этилган.

Кредит ахбороти миллий институти директори ўз бўлимининг фаолияти ҳақида йиғилганларга муфассал гапириб берди. Бугунги кунда КАМИ талаб даражасида шаклланган бўлиб, кредит ахбороти ягона давлат реестрини юритмоқда. Бу реестр тижорат банкларининг ҳамда улар қарздорларининг кредит операциялари ҳақида, кредит олувчилар томонидан мажбуриятни таъминлаш турлари ҳақида ахборотлар тўпланиши, сақланиши ва таҳлил этилишини таъминлайди. Бундай ахборотлар тижорат банкларига ва кредит-ахборот бюрolariга шартнома асосида берилади. Бундай маълумотларни институт тижорат банкларининг кредит жабҳасидаги ишини назорат қилиши ва уларнинг кредитлаш ҳолатини таҳлил этиши учун Марказий банка ҳам тақдим этади.

КАМИ реестрида 981 мингдан ортиқ шартномаларга ва 626 минг қарздорга оид маълумотлар мужассам. Амал қилиб турган шартномалар бўйича жами 7 657,9 млрд сўмлик операциялар ишловдан ўтказилди. Ҳозирги вақтда барча банклар ва уларнинг 800 дан ортиқ филиаллари билан on-line режимида кредит ахбороти айирбошлаш амалга ошириб келинмоқда. Уларга ҳар куни қарздорларга оид қарийб 1,9 минг кредит тарихи тақдим этилади. Шуниси ҳам борки, бунда биргина кредит учун 200 дан ортиқ тўғридан-тўғри ва ҳосила узвий реквизи́тлар мавжуд.

Кредит ахбороти айирбошлаш тизимини барпо этишда молия ва вақт харажатларини имкон қадар камайтиришга алоҳида эътибор берилди. Шу боис барча маълумотлар қарздорнинг электрон ссуда карточкасидан автомат тарзда олиб берилади. Бу эса банкларни қўшимча одам ишлатишдан холи этади, ортиқча харажат қилишига ҳам ҳожат қолдирмайди. Қарздорлар ва уларнинг кредит операциялари тўғрисидаги ахборотларнинг махфийлигини сақлашга алоҳида аҳамият берилади. Ахборот айирбошлаш Марказий банкнинг шифрланган электрон каналлари орқали амалга оширилади.

Тижорат банклари рўйхатга олинган талабнома бўлган тақдирдагина потенциал қарздор ҳақидаги маълумотларни олиш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳозир тижорат банкларида кредит ахбороти айирбошлашнинг бутун технологик жараёни автоматлаштирилган. Бу жараённинг ҳар бир босқичи (расмийлаштириш, ахборот бериш, қарзни узиш, мақомни ўзгартириш ва шу сингарилар) Кредит ахбороти миллий институти базаси билан чамбарчас боғлиқ. Бу нарсa ахборот сифатини ва ахборотлаштириш тўлақонли ишлашини таъминлайди.

Миллий институтда ахборотлар хавфсизлиқнинг тўрт босқичли ҳимояси билан таъминланган: ахборот айирбошлаш банкларнинг ҳимоя этилган телекоммуникация тармоғи каналлари орқали амалга оширилади, ахборотларни криптографик шифрлаш ҳамда тармоқдан фойдаланувчиларни, компьютерларни ва почта серверларини, шунингдек маълумотлар базаси хавфсизлиги воситаларини идентификация қилиш амалга оширилади.

Ахборот айирбошлаш амалга оширилмаган тўловларни анчагина камайтиришдан ташқари сарф-харажат ва вақт тежалишига ёрдам беради. Бу тизимнинг мавжудлиги молиявий чекловлар камайиши билан уйғунлашганлиги боис ривожланаётган мамлакатларда молиялаштиришга айниқса салмоқли таъсир этади.

Н.Холмуротов ҳозирги вақтда мамлакатимизда банклар учун кредит борасидаги таҳдид-таваккалчиликларни камайтириш имконини берувчи сермахсул тизим – қарздорлар тўғрисидаги кредит ахборотини айирбошлаш тизими шаклланганлигини қайд этиб ўтди. Банклар ва қарздорларнинг молия-кредит интизомини оширишга замин яратилди. Банк назорати учун ишончли ва тезкор ахборот олиш йўлга қўйилди. Бу ютуқлар натижаида кейинги икки йил ичида нуфузли халқаро ташкилотлардан юксак ижобий баҳолар олинди. КАМИ директори тақдимотни

КРЕДИТ ТАРИХИ: МОҲИЯТ ВА АФЗАЛЛИКЛАР

«Ўзбекистонда кредит ахбороти айирбошлаш тизимини ривожлантиришга қарата Ҳукуматимиз томонидан жиддий чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институти ҳамда Ўзбекистон банклар ассоциацияси ҳузурида Банклараро кредит бюроси ташкил этилди. Биз янги лойиҳа бошланаётганлигини кутлаймиз ҳамда кредит ахбороти айирбошлаш тизимини ва тегишли ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш йўлини биргаликда давом эттирамиз».

Шухрат ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
раисининг ўринбосари.

«Кичик корхоналарга молиялаштиришдан узоқ муддат ва барқарор баҳраманд бўлиш йўлини бериш билан уларнинг рағбат топишига кўмаклашиш Швейцария ҳукуматининг Ўзбекистонга кўрсатаётган ёрдамнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Лойиҳа фаолияти молия муассасаларига кредит борасида қисқа муддатларда сифатли қарорлар қабул қилишда Ўзбекистондаги жисмоний шахслар ва кичик корхоналарга молия хизматларидан эмин-эркин фойдаланишни кўпайтирган ҳолда яқиндан ёрдам беради».

Мурот МИРЗАЕВ,
Швейцария ҳамкорлик бюросининг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи
ўринбосари.

«Молиялаштиришдан баҳрамандлик хусусий секторни ривожлантириш, иқтисодий фаоллиқни рағбатлантириш ва янги иш ўринларини яратиш асоси ҳисобланади. Лойиҳада IFCнинг Ўзбекистонда кичик бизнесга барқарор ва самарали тарзда молиялар бериш ишини такомиллаштириш мақсадида молия бозорлари инфратузилмасини мустаҳкамлашга қаратилган стратегияси ўз аксини топган».

Анастасия МАРЬИНА,
IFCнинг Марказий Осиё мамлакатлари ва
Озарбайжонда молия инфратузилмасини
мустаҳкамлаш лойиҳаси раҳбари.

3-бетда

яқунлар экан, қўл билан бериб, оёқ билан оласан деган халқ мақолини эслатиб ўтди. Кредитлаш ҳақида сўз борганда, бу мақолни оёққа зўр келмаслиги учун қўл билан беришдан аввал бош билан обдан ўйлаш керак деб ўзгартириш лозим кўринади деди ҳазиломуз. Хуллас, қарздорнинг кредит тарихини пухта таҳлил қилиб кўришдан эринмаслик керак.

ХУСУСИЙ ТАРТИБДА

Кредит бюроси институти кўпгина мамлакатларда фаолият кўрсатиб турибди. Халқаро таъриба шундан далолат берадики, у молия институтларига кредитлаш соҳасини ортқча таҳдид-таваккалчиликларсиз кенгайтириш ва айна бир вақтда берилган кредитлар бўйича амалга оширилмаган тўловларни камайтиришга ёрдам берувчи муҳим воситадир. Ўзбекистон банклар ассоциацияси ҳузуридаги Банклараро кредит бюроси (БКБ) бош директори Музаффар Саломов ўз тақдимотини ана шу заимда бошлади.

Бир қараганда кредит бюрolari бизнеси жуда жўн: кредит тарихлари бўйича маълумотлар базаси барпо этиш, сўнгра бу базадан баҳраманд бўлиш истагидагиларга ҳақ эвазига фойдаланиш ҳуқуқини беришдан иборатдир. Амалда бу нарсa анчагина мураккаброқ экан. Кредит тарихлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш имкониятини олиш (бу фақат банкларнинг розили-



ги билан бўлади) зарурлигидан ташқари, ана шу ахборотнинг хавфсизлигини ва долзарблигини таъминлаш керак. Бош-қача қилиб айтганда, банк билан кредит тарихлари бюроси ўртасидаги алоқа ҳамшиша икки тарафлама бўлиши керак. БКБ ана шу принципга амал қилиб, 500 дан ортқ филиали ва бўлиналари бўлган 14 та тижорат банки билан потенциал қарздорларга оид ахборот айирбошлашни фаол тарзда амалга ошириб келмоқда. Ҳар бир мижоз бўйича кейинги беш йил юзасидан статистика, таҳлил, молия-иқтисод, рейтинг йўналишида ижобий ва салбий ахборот бериш БКБ томонидан ишлаб чиқилган «Потенциал қарздорнинг кредит тарихи» автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда реал вақт режимида амалга оширилмоқда. Мазкур тизимнинг ахборот ресурсидан тижорат банкларининг филиаллари VPN (Virtual

Private Network) тармоғи орқали баҳраманд бўлишлари мумкин. Бу тармок Марказий банк ахборот хавфсизлиги талаблари ва стандартларини қаноатлантиради ва мазкур банкнинг Ахборотлаштириш бош марказига ўрнатилган.

БКБ муассислари Ўзбекистон банклар ассоциацияси ва бир қанча тижорат банклари эканлигини инобатга олиб, тармокдан фойдаланувчиларга БКБ маълумотлар базасига уланиш ҳақи камроқ қилиб белгиланган, хусусан банкнинг асосий бўлимлари учун бу ҳақ 150, филиаллар ёки бўлимлалар учун 5 АҚШ доллари деб белги-

ланган.

Ҳозирги вақтда Банклараро кредит бюросида 460 мингдан ортқ тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилган 625 мингдан зиёд кредит, лизинг ва факторинг шартномалари ҳақидаги статистика маълумотларини мужассам этган маълумотлар базаси шаклланди.

Бундан ташқари, БКБ тижорат банклари ҳамда уларнинг мижозларига ахборот ва маслаҳат бериш билан боғлиқ хизматлар кўрсатмоқда. Унинг фаолияти экспертларнинг кредит бюроси ишончли молиявий инфратузилма барпо этишнинг зарур белгиси эканлиги, мижозларнинг кредит лаёқатига оид ҳолис ахборот бериш йўли билан аҳолининг анчагина қисмига қарз берилишига ёрдам бермоқда деган ҳулосасини тасдиқламоқда.

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА. Кредит ахбороти айирбошлашга оид махсус институтларсиз аҳолининг ва кичик бизнес аҳлининг асосий қисмига кредит бериш, шак-шубҳасиз, қийин, қимматга тушадиган, таҳликали иш бўлиб қолиши мумкин. Зотан бундай ахборот айирбошлашнинг яхши йўлга қўйилган тизими қарз бериш ҳақида тезкорлик билан пухта қарорлар қабул қилишда кредиторларга бебаҳо ёрдам бермоқда. Лекин, бу ишда қарздорларнинг ўзи яхши кредит тарихидан ўзларига наф қатта эканлигини тушуниб олишлари ҳам жуда муҳимдир. Хавфсизликнинг энг юқори даражасини таъминловчи ахборот тўплашнинг қудратли, ташкилий жиҳатдан яхши тизимини давлат мадади билангина барпо этиш мумкин. Шу сабабли ҳам АСАҒИ лойиҳаси мамлакатимиз ҳукумати билан, шунингдек молия-кредит муассасалари ва кредит ахбороти айирбошлаш институтлари билан яқин ҳамкорликда амалга оширилиши қонуний ҳолдир.

Гулнора АБДУНАЗАРОВА,
ўз муҳбиримиз.

ШВЕЙЦАРИЯ БАНК СИРИНИ ОШКОР ҚИЛДИ

Швейцариядаги энг йирик банк ҳисобланган UBS банки Вашингтон тазйиғи остида америкалик мижозларидан бир неча минггасининг ҳисобрақамлари ҳақида маълумотларни ошкор этишга рози бўлди ва тегишли битимни имзолади. Бу ғоятда ғайриоддий ҳодиса бўлди. Зеро мазкур мамлакатнинг банк тизими нафақат пуллар ва қимматликларни, балки омонат сирини ҳам яширин сақлаш маҳорати билан доимо машҳур бўлиб келган.

Америка солиқ хизмати (IRS) солиқларни тўлашдан бўйин товлаётганликда гумон қилинаётган америкаликларнинг активлари ҳақидаги маълумотларни банк уларга бериши учун бир йилдан ортқ муддат ҳаракат қилган. Швейцариялик банкирлар кўмағида улар 18 миллиард долларга яқин маблағни яшириш-

ган деб тахмин қилинмоқда. АҚШ ўтказган сўровда 52 минг киши қатнашди. Бунда Вашингтон Америкадаги банк филиалларига нисбатан жарима санкциялари қўлла-ниши мумкинлигига очикдан-очик шаъма қилди. Банклар Швейцариянинг банк сири ҳақидаги қонунини амалда бузган ҳолда ён босишди ва бу билан ўзларининг ишбилармонлик борасидаги нуфузларига путур етказишди. Дарвоқе, ҳатто UBS америкалик солиқчилар билан ҳамкорлик қилишини эълон қилиб, фақат ўз мижозларининг 4,5 минггасига тегишли маълумотларни ошкор этишга розилик билдирди. Балки, бу бошланишидир.

АҚШда махсус амнистия эълон қилинди: Швейцарияда ўз жамғармаларини яшираётган шахслар 23 сентябргача ўз қилмишларига иқдор бўлиб ва ихтиёрий равишда давлат билан ҳисоб-китобларни амалга ошириб, энг оғир жазо бериллади-

ган моддалардан бирининг жиноий жазосидан қутулиб қолишлари мумкин. АҚШда солиқларни тўла-маслик жуда жиддий ҳолат саналади.

ИККИТА ОФШОРГА КАМАЙДИ

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) Британиянинг Виржиния (BVI) ва Кайман ороллари бизнесменларга ўз даромадларини солиқдан жазосиз яширишлари имконият яратиб берувчи мамлакатлар рўйхатидан чиқарди. Энди бу давлатлар сўров бўйича бенефициарлар тўғрисида маълумотларни тақдим этишлари, битимлар имзоланган шахсларни идентификациялаш ҳамда мижозлардан фуқаролиги қайд этилган мамлакатда солиқлар бўйича мажбуриятларини бажарганлиги ҳақидаги тасдиқларни олишлари шарт бўлади. Агар норезидентда бундай маълумотлар мавжуд бўлмаса ёки уларни тақдим этишдан бош тортса, унинг банкдаги ҳисобрақами ёпиб қўйилиши мумкин.

Айтиш жоизки, Мексикада ўтказилган сессияда ИХРТ ўз аъзоларига солиқ қондабузарликларини назоратга олиш ва уларга қарши курашиш учун янги халқаро ташкилот тузишни таклиф қилди. У Солиққа оид ахборотларни алмашиш бўйича глобал анжуман – 84 давлат норасмий бирлашмасининг ўрнини эгаллайди. Операцияларнинг очик-ошкоралигини оширишни рад этган ва солиққа оид ахборотларни алма-

шишга қарши бўлган мамлакатларга нисбатан санкциялар қўлланилади.

ДАНИЯ - ИШ ҲАҚИ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ

Нуфузли хорижий компаниялар ва уюшмалар томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ўрта ҳисобда Токио фуқаросининг иш соати солиқларини ҳисобга олмаган ҳолда 19,4 доллар, Лондонда эса – 18 доллар, Тель-Авивда – 10,3 доллар туради. Цюрихдаги энг қиммат ҳисобланган иш соати солиқларни чегирган ҳолда 22,6 доллардир. UBS маълумотларига қараганда, Россия пойтахти иш ҳақи даражаси бўйича 41-ўринда туради (ўтган йили 48-ўринда эди). Будапешт ва Прагада фуқаролар даромадлари тахминан худди шундай даражада. Киевда эса – 2,9 доллар. Копенгагенда солиқлар ҳисобга олинмаган ҳолда, иш вақтининг бир соати учун энг кўп ҳақ – 32,8 доллар, Мумбайда эса энг кам ҳақ, яъни 1,3 доллар олинади.

Таъкидлаш жоизки, айнан ўша Копенгагенда, шунингдек Люблянада даромадларнинг деярли ярмини «ютиб юборадиган» энг юқори солиқлар белгиланган. Доха (Қатар) ва Дубай (БАА)да умуман солиқлар тўланмайди. Москваликлар Дублин ва Тель-Авивда қанча тўланса, давлатга айнан шунча тўлашади.

Қоҳира ва Сеул аҳолиси меҳнат қилиш бўйича жаҳон чемпионларидир. Улар бир йилда Фарбий Европа

ХОРИЖДА

шаҳарларидаги ҳамкасбларига қараганда 600 соат кўпроқ ишлайдилар.

ИСПАН КОЛЛЕКТОРЛАРИНИНГ ЎЗГАЧА УСЛУБЛАРИ

Испаниялик солиққа оид қарзларни йиғувчилар ўз қўл остидагиларга руҳий тазйиқ ўтказишнинг ғоятда ғайриоддий ва жуда самарали усулини топишди. Коллекторлар оғохлантирувчи хатлар ва телефон кўнғироқларига беҳуда вақт кетказиб юрмасдан, тўғри қарздорларнинг офисига ёрқин ранглардаги турли карнавал кийимларида ташриф буюришади. Бу ишни улар кундузи, кўшни офисдагилар кўз ўнгига амалга оширадилар. Ёки уларни кўча-кўйда кузатадилар, ҳатто улардан қарзни сўндиришларини талаб қилмайдилар ҳам, аммо ўзларининг ташқи кўринишлари билан жамоатчилик эътиборини тортадилар. Бу мамлакатда номус, ғурур ва обрўнуфуз жуда муҳим роль ўйнайди, жамоатчилик олдида бундай изза бўлишлардан кўрқув испанияликларни тезлик билан қарзларини тўлашга мажбур қилиб қўяди. Тўғри, бунинг бошқа тарафи ҳам бор: Испания истеъмолчилар уюшмасига коллекторлик агентликлари ходимлари томонидан ана шундай тазйиқларга учраган оддий испанияликларда минглаб шикоятлар ҳам келган.

**Хорижий матбуот
материалларидан.**

• РЕКЛАМА

МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб
офис
тиббиёт
металл каркасида
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЭНГ ИЛЛИМЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНЛАРИ:

- «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»;
- «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»;
- «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

- «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» (кўчирма);
- «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING ҚАРОРЛАРИ:

- «Тошкент шаҳрида Нагоя университетининг ваколатхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»;
- «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ

- ЎзР адлия вазирининг «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 3 ноябрда қабул қилинган.
Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **49-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **49¹-модда** билан тўлдирилсин:

«49¹-модда. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш

Вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **51-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **245-модданинг биринчи қисми** «48» рақамидан кейин «49¹» рақами билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун 2010 йил 1 февралдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2009 йил 21 декабрь
ЎРҚ-236-сон.

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 22 декабрдаги 245 (4908)-сонидан эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНING
329-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА***

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 20 августда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда) **329-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёхуд суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар олинган пайтдан бошлаб ҳамда то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунига қадар ёхуд терговга қадар тек-

ширув материаллари ушбу Кодекснинг 587-моддасига мувофиқ, прокурорга юборилгунига қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

Ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

Алоҳида ҳолларда, терговга қадар текширув муддати қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, ҳужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

2) олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлайётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 21 декабрь
ЎРҚ-237-сон.

**Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 22 декабрдаги 245 (4908)-сонидан эълон қилинган.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МЕҲНАТ КОДЕКСИГА ВА
«БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА***

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 12 августда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, N 2, 65-модда; 1998 йил, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 112, 124-моддалар, N 9, 229-модда; 2001 йил, N 5, 89-модда, N 9-10, 182-модда; 2002 йил, N 1, 20-модда, N 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 9, 312-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **77-модданинг:**

биринчи қисмидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчила-

рини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун – улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади»;

2) **80-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбоши-си** «ўрта махсус» деган сўзлардан кейин «касб-хунар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **103-модда иккинчи қисмининг 4-бандидаги** «ўрта махсус» ва «ўрта махсус ўқув юртларини, хунар-техника билим юртларини» деган сўзлар тегишинча «ўрта махсус, касб-хунар» ва «ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **107-модданинг тўртинчи қисми** «ўрта махсус» деган сўзлардан кейин «касб-хунар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 25 декабрдаги 248 (4911)-сонидан эълон қилинган.*

5) 143-модда:

учинчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги «хунар-техника билим юртларида, олий ва ўрта махсус» деган сўзлар «олий ва ўрта махсус, касб-хунар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «хунар-техника билим юртлари, олий ва ўрта махсус» деган сўзлар «олий ва ўрта махсус, касб-хунар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 149-модданинг **тўртинчи хатбошисидаги** «253» рақами чиқариб ташлансин;

7) 242-модданинг **биринчи қисмидаги** «(таътил даврида ишлаётган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) 252-модданинг:

биринчи қисмидаги «XI (XII) синфда» ва «IX синфда эса саккиз иш кунидан кам бўлмаган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

9) 253-модда чиқариб ташлансин;

10) 254-модданинг:

номидаги «ва ўрта махсус» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

матнидаги «ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун эса, камида ўн календарь кун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) 255-модданинг **номи ва матни** «ўрта махсус» деган сўзлардан кейин «касб-хунар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) 257-модданинг **биринчи қисмидаги** «ва ўрта махсус» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «**Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**»ги ЎРҚ-139-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, N 1, 1-модда) **20-моддасига** қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

учинчи қисм чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи қисмлар тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисм қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун – улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади».

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2009 йил 24 декабрь
ЎРҚ-239-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2010 ЙИЛГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ
КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА***
[КЎЧИРМА]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2009 йил 30 октябрдаги 1083-I-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2009 йил 4 декабрдаги 693-I-сон қарорига мувофиқ:

3. 2010 йил учун:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари 7-иловага мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари 8-иловага мувофиқ;

ягона солиқ тўлови ставкалари 9-1, 9-2 ва 9-3-иловаларга мувофиқ;

тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича юридик ва жисмоний шахсларга белгилаб қўйилган солиқ ставкалари 10-иловага мувофиқ;

юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)га белгилаб қўйилган солиқ ставкалари 11-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромад солиғи ставкалари 10 фоиз миқдориди;

қўшилган қиймат солиғи ставкалари 20 фоиз миқдориди;

республикада ишлаб чиқариладиган ва рўйхат бўйича четдан келтириладиган акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари 12-1 ва 12-2-иловаларга мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 13-иловага мувофиқ;

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 14-иловага мувофиқ;

имзоланадиган бонус ва тижорат топилмаси бонуси 15-1 ва 15-2-иловаларга мувофиқ;

айрим турдаги маҳсулотлар бўйича ортиқча фойдадан солиқ ставкалари 16-иловага мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи ставкалари 17 ва 18-иловаларга мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари 19-иловага мувофиқ;

ягона ер солиғи ставкалари 20-иловага мувофиқ;
маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари 21-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар ставкалари 22 ва 23-иловаларга мувофиқ;

24-иловада белгиланган солиққа тортиш объектларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 1,5 фоиз миқдорда ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 0,5 фоиз миқдориди;

маблағларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида 25-иловада келтирилган нормативларга мувофиқ тақсимлаган ҳолда ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиз миқдориди;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига уларнинг меҳнат ҳақи даромадларидан мажбурий су-

*Қарорнинг 7-8, 9-1, 9-2, 9-3, 10-11, 12-1, 12-2, 13-14, 15-1, 15-2, 16-18, 20-25-иловалари «Норма мас-лаҳатчи»нинг 2009 йил 28 декабрдаги 52 (233)-сониди эълон қилинган.

гурта бадаллари ставкаси 4 фоиз миқдорида тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб:

ўсимлик ёғи ва алкоголь маҳсулотлар бўйича акциз солиғи тўла ҳажмда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади;

жисмоний шахсларнинг мулк солиғини ҳисоблаб чиқаришда мулкка эгалик ҳуқуқи билан жисмоний шахсларга тегишли бўлган солиққа тортиладиган мулкнинг инвентаризация қиймати 1,1 миқдоридаги коэффициентни ҳисобга олган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқилади;

автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган барча юридик шахслар ушбу фаолият тури бўйича Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўрнатилган тартибда қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлайдилар;

янги импорт автомобиллари билан чакана савдо фақат юридик шахслар — ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг расмий дилерлари томонидан амалга оширилади.

5. 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб:

«Ўзбекнефтегаз» МХК корхоналари учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Ўзбекнефтегаз» МХК билан келишилган ҳолда белгиланадиган тартибда тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан Республика йўл жамғармасига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби;

улгуржи савдо корхоналари учун (улгуржи дорихона ташкилотлари, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи ихтисослаштирилган улгуржи база-идоралар бундан мустасно) — ўтказилган ҳар бир савдо операциясидан тушадиган сумманинг 5 фоизи миқдорида ягона солиқ тўлови бўйича аванс тўловларини тўлаш тартиби жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда ўн кун муддатда улгуржи савдо корхоналари томонидан аванс тўловларини ҳисобга олган ҳолда ягона солиқ тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

ягона солиқ тўлови тушумлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган миқдорларда Давлат бюджети, Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ўртасида тақсимланади;

Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият олиб боровчи норезидентлар давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш чоғида муҳр эскизларини кейинчалик тасдиқлаш учун тақдим этадилар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақларини очадилар.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори 4-бандининг;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2001 йил 12 июндаги 250-сон қарори 9-бандининг амал қилиш муддати 2015 йилнинг 1 январига қадар узайтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сон қарори 6-банди иккинчи хатбошисининг амал қилиши 2010 йилнинг 1 январидан

бошлаб солиқ консультантлари ташкилотлари — кичик корхоналар ва микрофирмаларга татбиқ этилсин.

14. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларининг барча даражалардаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетигаги улушини кўпайтириш мақсадида қуйидаги умумдавлат солиқлари:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;

юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан олинган қатъий белгиланган солиқ;

республикада ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи бўйича тушумлар тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2010 йилдан бошлаб бир нафар ўқувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача тарбия болалар муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштириш тартибини республиканинг барча ҳудудларидаги мазкур муассасаларга татбиқ этсин ҳамда бюджетни режалаштириш ва молиялаштиришнинг янги тартибига ўтказиладиган ҳар бир бюджет ташкилотига молиялаштириш меъёрлари етказилишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Молия вазирлигининг 2010 йил 1 январдан бошлаб Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг марказлаштирилган бухгалтерияларини тугатиш ва уларнинг негизиди:

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари тузилмасида 2 тадан штат бирлигига эга бўлган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини молиялаштириш шубҳаларини;

ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари тузилмасида 2 тадан штат бирлигига эга бўлган молия-бухгалтерия хизматини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда ихтисослаштирилган мактабгача тарбия болалар муассасалари (гуруҳлари)ни хатловдан ўтказсин ва амалдаги талаб-эҳтиёжга ҳамда тарбияланувчиларнинг тегишли контингенти мавжудлигига қараб, уларнинг фаолиятини танқидий таҳлил қилсин;

хатлов натижаларига кўра 2010 йилнинг 1 мартига қадар ихтисослаштирилган мактабгача тарбия болалар муассасалари (гуруҳлари) тармоғини мақбуллаштириш ҳамда мазкур муассасаларнинг раҳбар ва педагог ходимларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

22. 2010 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, тегишли сарф-харажатларни бюджет маблағлари ва қисман — энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида ота-оналарнинг ҳар ой тўлайдиган маблағи ҳисобидан молиялаштирилган ҳолда олимпия захиралари коллежларининг ўқувчилари учун бепул (имтиёзли) овқатланиш жорий қилинсин. Бунда ҳар бир олимпия захиралари коллежидида ўқувчилар умумий контингентининг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда кам таъминланган оилалардан бўлган ўқувчиларнинг ота-оналари пул тўлашдан озод қилинишлари назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги 2010 йилнинг 1 апрелига қадар олимпия захиралари коллежларида бепул (имтиёзли) овқатланиш сарф-харажатларини қисман қоплашга ота-оналар томонидан пул тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, шунингдек овқатланиш нормалари ва ўқувчиларни бепул (имтиёзли) овқат билан таъминлаш назарда тутилган олимпия захиралари коллежлари рўйхатини тузиб, белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб, белгиланган тартибда:

фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловларини;

бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақаларни Давлат бюджети маблағларидан молиялаштиришни таъминласин.

24. 2010 йилга шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар тўлаш иш берувчилар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар тўлаш тегишли бюджетлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

28. 2010 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2010 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига 31-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

30. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2009 йил 22 декабрь
ПҚ-1245-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2009 йил 22 декабрдаги
ПҚ-1245-сон қарорига
19-ИЛОВА

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИГИ СТАВКАЛАРИ

1-жадвал

СУҒОРИЛАДИГАН ЖАМОАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИ УЧУН УНДИРИЛАДИГАН ЕР СОЛИГИ СТАВКАЛАРИ

Туман, шаҳар	I га учун ер тоифалари бўйича ер солиғи ставкалари, сўмда										Баҳолан- маган ерлар
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	
	0 дан 10 баллгача	11 дан 20 баллгача	21 дан 30 баллгача	31 дан 40 баллгача	41 дан 50 баллгача	51 дан 60 баллгача	61 дан 70 баллгача	71 дан 80 баллгача	81 дан 90 баллгача	91 дан 100 баллгача	
Қорақалпоғистон Республикаси											
Амударё	4 816,8	7 197,3	10 796,0	15 781,8	22 460,1	32 580,8	43 218,5	56 079,2	68 986,8	84 065,6	22 460,1
Беруний	4 731,4	7 077,8	10 619,0	15 507,2	22 075,9	32 014,6	42 471,1	55 124,0	67 794,6	82 615,5	22 075,9
Қораўзак	3 932,4	5 900,4	8 842,9	12 920,8	18 390,0	26 689,1	35 385,5	45 943,1	56 487,8	68 851,7	18 390,0
Кегайли	4 072,0	6 080,1	9 117,2	13 324,5	18 973,6	27 522,7	36 505,5	47 380,0	58 274,0	71 020,7	18 973,6
Қўнғирот	3 775,5	5 645,8	8 472,1	12 382,1	17 613,2	25 558,2	33 903,5	43 992,6	54 109,8	65 954,2	17 613,2
Қанликўл	3 859,5	5 772,0	8 663,9	12 646,6	18 005,7	26 124,4	34 650,1	44 971,3	55 298,3	67 403,2	18 005,7
Мўйноқ	3 775,5	5 645,8	8 472,1	12 382,1	17 613,2	25 558,2	33 903,5	43 992,6	54 109,8	65 954,2	17 613,2
Нукус	4 072,0	6 080,1	9 117,2	13 324,5	18 973,6	27 522,7	36 505,5	47 380,0	58 274,0	71 020,7	18 973,6
Тахтақўпир	4 145,8	6 206,3	9 308,8	13 601,5	19 355,5	28 086,8	37 255,9	48 355,1	59 464,0	72 470,6	19 355,5
Тўрткўл	4 816,8	7 197,3	10 796,0	15 781,8	22 460,1	32 580,8	43 218,5	56 079,2	68 986,8	84 065,6	22 460,1
Хўжайли	4 072,0	6 080,1	9 117,2	13 324,5	18 973,6	27 522,7	36 505,5	47 380,0	58 274,0	71 020,7	18 973,6
Чимбой	3 859,5	5 772,0	8 663,9	12 646,6	18 005,7	26 124,4	34 650,1	44 971,3	55 298,3	67 403,2	18 005,7
Шуманай	4 228,9	6 333,5	9 499,6	13 878,7	19 738,5	28 652,8	38 003,6	49 331,3	60 654,6	73 919,7	19 738,5
Элликқалъа	4 604,6	6 886,0	10 330,3	15 103,5	21 491,2	31 182,0	41 349,3	53 670,5	66 010,6	80 448,0	21 491,2
Нукус ш.	4 305,9	6 452,2	9 683,0	14 146,5	20 140,0	29 217,4	38 750,4	50 287,5	61 844,5	75 369,3	20 140,0
Андижон вилояти											
Олтинкўл	6 736,1	10 117,7	15 153,9	22 157,4	31 496,5	45 730,3	60 650,0	78 747,4	96 826,1	118 008,4	31 496,5
Андижон	5 900,4	8 854,8	13 261,6	19 437,2	27 560,9	40 018,9	53 082,0	68 916,4	84 737,5	103 263,8	27 560,9

Туман, шаҳар	I га учун ер тоифалари бўйича ер солиги ставкалари, сўмда										
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	Баҳола- маган ерлар
	0 дан 10 баллгача	11 дан 20 баллгача	21 дан 30 баллгача	31 дан 40 баллгача	41 дан 50 баллгача	51 дан 60 баллгача	61 дан 70 баллгача	71 дан 80 баллгача	81 дан 90 баллгача	91 дан 100 баллгача	
Андижон вилояти											
Асака	6 736,1	10 117,7	15 153,9	22 157,4	31 496,5	45 730,3	60 650,0	78 747,4	96 826,1	118 008,4	31 496,5
Балиқчи	6 292,2	9 436,7	14 133,3	20 670,6	29 377,8	42 652,7	56 569,4	73 448,8	90 321,9	110 060,3	29 377,8
Бўз	4 539,5	6 815,5	10 200,8	14 918,8	21 210,0	30 782,4	40 825,9	53 003,3	65 185,8	79 435,2	21 210,0
Булоқбоши	6 876,9	10 308,5	15 442,8	22 582,7	32 107,2	46 611,2	61 817,4	80 278,1	98 695,6	120 282,4	32 107,2
Жалолқудуқ	6 545,3	9 818,8	14 719,3	21 520,1	30 596,4	44 422,2	58 894,7	76 491,6	94 047,1	114 625,6	30 596,4
Избоскан	7 069,1	10 597,4	15 875,2	23 220,1	33 017,5	47 931,9	63 574,9	82 534,9	101 485,3	123 698,4	33 017,5
Улугнор	4 604,6	6 907,9	10 341,7	15 132,0	21 498,4	31 228,6	41 404,1	53 767,7	66 121,0	80 560,1	21 498,4
Қўрғонтепа	6 941,7	10 406,9	15 590,7	22 795,9	32 423,2	47 058,7	62 398,2	81 021,3	99 630,7	121 421,9	32 423,2
Марҳамат	6 815,5	10 216,0	15 301,9	22 370,5	31 802,2	46 176,5	61 240,4	79 514,2	97 760,2	119 160,6	31 802,2
Пахтаобод	6 483,2	9 726,5	14 571,8	21 307,9	30 290,8	43 976,0	58 316,4	75 726,8	93 111,0	113 473,8	30 290,8
Хўжаобод	7 006,4	10 498,9	15 590,7	23 008,1	32 712,7	47 485,7	62 975,6	81 787,8	100 549,2	122 544,9	32 712,7
Шаҳрихон	6 610,3	9 917,4	14 854,9	21 733,3	30 901,5	44 856,9	59 493,4	77 236,2	94 980,9	115 748,2	30 901,5
Бухоро вилояти											
Олот	5 611,3	8 417,8	12 615,5	18 446,9	26 216,9	38 072,5	50 487,9	65 549,8	80 614,4	98 233,5	26 216,9
Бухоро	5 611,3	8 417,8	12 615,5	18 446,9	26 216,9	38 072,5	50 487,9	65 549,8	80 614,4	98 233,5	26 216,9
Вобкент	4 668,4	7 006,4	10 490,1	15 344,2	21 806,3	31 675,0	42 001,3	54 512,8	67 030,1	81 680,2	21 806,3
Ғиждувон	5 611,3	8 417,8	12 615,5	18 446,9	26 216,9	38 072,5	50 487,9	65 549,8	80 614,4	98 233,5	26 216,9
Жондор	5 390,1	8 075,9	12 114,1	17 715,6	25 190,8	36 569,0	48 486,2	62 949,3	77 401,3	94 333,1	25 190,8
Когон	5 611,3	8 417,8	12 615,5	18 446,9	26 216,9	38 072,5	50 487,9	65 549,8	80 614,4	98 233,5	26 216,9
Қоракўл	5 666,6	8 500,8	12 743,7	18 630,6	26 489,2	38 459,5	50 992,7	66 201,5	81 395,9	99 180,7	26 489,2
Қоровулбозор	5 666,6	8 500,8	12 743,7	18 630,6	26 489,2	38 459,5	50 977,9	66 201,5	81 395,9	99 180,7	26 489,2
Пешку	5 730,8	8 586,8	12 859,2	18 822,4	26 743,8	38 827,3	51 483,3	66 852,3	82 203,3	100 178,7	26 743,8
Ромитан	5 780,8	8 663,9	8 899,0	19 000,1	26 999,6	39 202,7	51 986,3	67 501,7	82 996,7	101 131,3	26 999,6
Шофиркон	5 230,2	7 834,4	11 744,5	17 171,6	24 406,9	35 435,6	47 000,3	60 999,8	75 020,0	91 406,6	24 406,9
Бухоро ш.	5 666,6	8 500,8	12 743,7	18 630,6	26 489,2	38 459,5	50 992,7	66 201,5	81 395,9	99 197,6	26 489,2
Жиззах вилояти											
Арнасой	4 633,2	6 949,0	10 413,9	15 230,6	21 627,8	31 405,5	41 655,1	54 093,1	66 503,4	81 073,0	21 627,8
Бахмал	4 675,9	7 028,2	10 521,4	15 377,6	21 847,2	31 715,9	42 085,2	54 627,6	67 157,5	81 897,6	21 847,2
Ғаллаорол	5 559,4	8 343,7	12 496,6	18 277,4	25 970,2	37 686,0	49 985,2	64 917,6	79 808,7	97 296,8	25 970,2
Жиззах	5 143,4	7 715,2	11 561,5	16 909,6	24 014,9	34 858,8	46 246,4	60 043,6	73 814,5	89 987,4	24 014,9
Дўстлик	5 050,8	7 579,1	11 349,4	16 598,6	23 583,1	34 232,5	45 415,2	58 970,2	72 496,9	88 366,0	23 583,1
Зомин	4 167,5	6 261,8	9 373,0	13 709,2	19 459,6	28 265,3	37 495,3	48 681,8	59 847,8	72 966,8	19 459,6
Зарбдор	4 167,5	6 261,8	9 373,0	13 709,2	19 459,6	28 265,3	37 495,3	48 681,8	59 847,8	72 966,8	19 459,6
Зафаробод	4 398,8	6 602,7	9 896,2	14 466,2	20 548,0	29 829,7	39 579,4	51 397,0	63 188,4	77 034,9	20 548,0
Мирзачўл	4 816,8	7 225,9	10 831,6	15 834,5	22 493,4	32 656,7	43 321,5	56 254,1	69 155,4	84 328,7	22 493,4
Пахтакор	4 866,9	7 302,3	10 936,6	15 989,1	22 714,0	32 983,5	43 750,4	56 791,9	69 820,0	85 123,5	22 714,0
Фориш	5 050,8	7 579,1	11 349,4	16 598,6	23 583,1	34 232,5	45 415,2	58 970,2	72 496,9	88 366,0	23 583,1
Янгиобод	2 785,1	4 179,1	6 270,5	9 153,4	13 019,3	18 892,3	25 048,6	32 515,6	39 997,0	48 743,9	13 019,3
Жиззах ш.	5 143,4	7 715,2	11 561,5	16 909,6	24 014,9	34 858,8	46 246,4	60 043,6	73 814,5	89 987,4	24 014,9
Қашқадарё вилояти											
Миришкор	3 307,7	4 953,1	7 430,7	10 861,2	15 456,0	22 422,6	29 740,6	38 620,5	47 477,9	57 861,7	15 456,0
Ғузор	4 604,6	6 899,2	10 341,7	15 111,3	21 515,9	31 198,4	41 404,1	53 747,6	66 094,5	80 538,9	21 515,9
Деҳқонобод	3 393,7	5 093,8	7 630,4	11 158,8	15 880,4	23 017,3	30 556,4	39 652,5	48 753,0	59 426,0	15 880,4
Қамаши	5 845,8	8 769,1	13 155,8	19 225,5	27 365,7	39 678,6	52 658,3	68 361,1	84 057,9	102 441,5	27 365,7
Қарши	4 327,8	6 495,5	9 746,6	14 239,3	20 266,9	29 384,0	38 989,5	50 609,8	62 226,3	75 863,0	20 266,9
Косон	3 434,6	5 156,7	7 736,1	11 298,5	16 083,2	23 327,8	30 942,9	40 188,5	49 416,0	60 220,8	16 083,2
Касби	4 463,5	6 695,3	10 044,6	14 676,6	20 885,7	30 289,2	40 193,2	52 179,5	64 165,4	78 201,0	20 885,7
Китоб	5 538,7	8 301,3	12 454,3	18 191,6	25 901,9	37 566,8	49 837,7	64 708,2	79 568,5	96 969,7	25 901,9
Муборак	2 861,1	4 285,5	6 431,4	9 393,5	13 362,9	19 387,4	25 728,1	33 395,2	41 059,9	50 054,2	13 362,9
Нишон	3 570,6	5 355,4	8 033,2	11 744,5	16 704,8	24 236,9	32 155,5	41 735,7	51 329,2	62 558,9	16 704,8
Чироқчи	5 581,1	8 374,1	12 551,8	18 341,2	26 114,5	37 863,8	50 246,5	65 223,4	80 205,7	97 743,7	26 114,5
Шаҳрисабз	8 841,3	13 253,8	19 885,0	29 052,5	41 357,0	59 969,4	79 590,9	103 307,8	127 045,6	154 830,7	41 357,0
Яккабоғ	6 027,7	9 045,8	13 559,4	19 807,6	28 197,0	40 898,0	54 257,6	70 446,7	86 623,8	105 573,6	28 197,0

Туман, шаҳар	I га учун ер тоифалари бўйича ер солиги ставкалари, сўмда										Баҳолан- маган ерлар
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	
	0 дан 10 баллгача	11 дан 20 баллгача	21 дан 30 баллгача	31 дан 40 баллгача	41 дан 50 баллгача	51 дан 60 баллгача	61 дан 70 баллгача	71 дан 80 баллгача	81 дан 90 баллгача	91 дан 100 баллгача	
Навоий вилояти											
Конимех	4 242,9	6 354,3	9 521,3	13 933,7	19 807,6	28 741,4	38 118,5	49 484,3	60 867,2	74 182,9	19 807,6
Қизилтепа	4 753,1	7 133,6	10 690,5	15 634,6	22 213,7	32 253,8	42 765,1	55 527,6	68 305,4	83 207,1	22 213,7
Навбаҳор	5 420,6	8 131,8	12 199,0	17 845,0	25 367,7	36 804,9	48 816,7	63 369,9	77 953,1	94 960,1	25 367,7
Кармана	5 420,6	8 131,8	12 199,0	17 845,0	25 367,7	36 804,9	48 816,7	63 369,9	77 953,1	94 960,1	25 367,7
Нурота	3 563,6	5 348,2	8 012,4	11 723,8	16 670,5	24 190,4	32 064,6	41 641,6	51 218,5	62 434,7	16 670,5
Томди	3 613,2	5 420,6	8 131,8	11 894,2	16 909,6	24 534,0	32 542,5	42 254,9	51 966,7	63 305,7	16 909,6
Учкудук	3 613,2	5 420,6	8 131,8	11 894,2	16 909,6	24 534,0	32 542,5	42 254,9	51 966,7	63 305,7	16 909,6
Хатирчи	5 165,0	7 748,6	11 617,2	16 994,1	24 151,2	35 049,7	46 483,5	60 349,2	74 238,9	90 454,7	24 151,2
Наманган вилояти											
Мингбулоқ	4 468,7	6 702,7	10 044,6	14 690,7	20 865,6	30 302,3	40 196,3	52 161,7	64 266,6	78 195,7	20 865,6
Косонсой	7 529,5	11 293,5	16 930,1	24 743,7	35 160,0	51 047,8	67 717,8	87 898,4	108 287,8	131 772,9	35 160,0
Наманган	7 770,9	11 660,2	17 478,0	25 544,8	36 315,0	52 698,6	69 906,8	90 752,8	111 824,9	136 065,1	36 315,0
Норин	7 156,9	10 740,8	16 104,0	23 540,5	33 457,3	48 552,9	64 410,7	83 602,1	103 009,9	125 328,7	33 457,3
Поп	6 116,7	9 181,5	13 764,4	20 118,1	28 589,1	41 500,7	55 048,3	71 484,9	88 043,2	107 127,7	28 589,1
Тўрақўрғон	6 540,6	9 824,0	14 728,4	21 529,5	30 590,3	44 410,1	58 903,3	76 458,1	94 224,1	114 621,1	30 590,3
Уйчи	7 219,0	10 831,6	16 243,2	23 746,9	33 741,3	48 971,0	64 962,8	84 321,5	103 881,0	126 421,7	33 741,3
Учқўрғон	7 156,9	10 740,8	16 104,0	23 540,5	33 457,3	48 552,9	64 410,7	83 602,1	103 009,9	125 328,7	33 457,3
Чортоқ	6 116,7	9 181,5	13 764,4	20 118,1	28 568,9	41 500,7	55 048,3	71 458,2	88 043,2	107 127,7	28 568,9
Чуст	5 989,3	8 997,6	13 487,1	19 717,3	28 010,3	40 669,3	53 947,7	70 027,1	86 280,0	104 979,0	28 010,3
Янгиқўрғон	6 116,7	9 181,5	13 764,4	20 118,1	28 589,1	41 500,7	55 048,3	71 458,2	88 043,2	107 127,7	28 589,1
Самарқанд вилояти											
Оқдарё	6 771,8	10 150,8	15 216,6	22 251,4	31 637,4	45 910,3	60 901,2	79 070,4	97 207,5	118 502,2	31 637,4
Булунғур	6 708,4	10 053,9	15 081,8	22 052,5	31 342,4	45 479,7	60 343,4	78 343,8	96 315,5	117 403,3	31 342,4
Жомбой	6 516,8	9 776,6	14 664,2	21 435,4	30 476,2	44 231,3	58 656,7	76 185,2	93 636,8	114 153,6	30 476,2
Иштихон	6 397,9	9 585,7	14 380,2	21 033,0	29 889,2	43 380,9	57 556,7	74 732,1	91 852,1	111 978,1	29 889,2
Каттақўрғон	6 015,8	9 033,3	13 551,6	19 799,0	28 154,6	40 852,5	54 188,5	70 371,5	86 496,8	105 458,8	28 154,6
Қўшрабод	6 206,3	9 308,8	13 963,2	20 415,3	29 023,0	42 117,7	55 867,3	72 551,2	89 174,0	108 705,9	29 023,0
Нарпай	5 645,8	8 472,1	12 708,8	18 574,7	26 407,9	38 323,3	50 835,9	66 025,5	81 140,7	98 934,5	26 407,9
Нуробод	5 590,5	8 374,1	12 573,6	18 374,7	26 114,5	37 905,8	50 278,6	65 300,2	80 248,6	97 837,5	26 114,5
Пайариқ	6 708,4	10 053,9	15 081,8	22 052,5	31 342,4	45 479,7	60 343,4	78 343,8	96 315,5	117 403,3	31 342,4
Пастдарғом	6 333,5	9 499,7	14 239,3	20 820,5	29 609,4	42 963,9	56 990,6	74 006,0	90 959,3	110 881,0	29 609,4
Пахтачи	5 590,5	8 374,1	12 573,6	18 374,7	26 114,5	37 905,8	50 278,6	65 300,2	80 248,6	97 837,5	26 114,5
Самарқанд	6 516,8	9 776,6	14 664,2	21 435,4	30 476,2	44 231,3	58 656,7	76 185,2	93 636,8	114 153,6	30 476,2
Тойлоқ	6 516,8	9 776,6	14 664,2	21 435,4	30 476,2	44 231,3	58 656,7	76 185,2	93 636,8	114 153,6	30 476,2
Ургут	12 412,1	18 616,9	27 926,1	40 825,9	58 044,9	84 230,7	111 737,0	145 097,2	178 348,1	217 409,6	58 044,9
Сурхондарё вилояти											
Олтинсой	7 970,5	11 979,0	17 937,5	26 238,7	37 298,9	54 151,1	71 816,4	93 225,1	114 618,0	139 704,6	37 298,9
Ангор	7 970,5	11 979,0	17 937,5	26 238,7	37 298,9	54 151,1	71 816,4	93 225,1	114 618,0	139 704,6	37 298,9
Бойсун	4 455,7	6 686,0	10 023,4	14 657,2	20 836,2	30 247,3	40 107,9	52 063,7	64 038,1	78 033,8	20 836,2
Бандихон	7 183,5	10 789,2	16 164,7	23 632,6	33 600,6	48 781,6	64 692,0	83 988,5	103 269,2	125 864,4	33 600,6
Денов	7 035,2	10 576,1	15 846,9	23 164,9	32 924,4	47 800,8	63 401,0	82 305,6	101 203,3	123 339,9	32 924,4
Жарқўрғон	6 397,9	9 598,5	14 388,0	21 033,0	29 902,6	43 409,5	57 567,3	74 749,2	91 920,2	112 025,1	29 900,1
Қумқўрғон	7 906,3	11 872,0	17 779,7	25 992,9	36 965,9	53 663,0	71 168,7	92 383,5	113 597,9	138 443,2	36 965,9
Қизирик	8 620,9	12 943,3	19 395,2	28 363,5	40 320,0	58 542,2	77 629,6	100 784,2	123 926,8	151 044,3	40 320,0
Музробод	6 113,5	9 173,0	13 742,5	20 084,8	28 563,5	41 463,9	54 984,3	71 380,8	87 771,5	106 975,6	28 563,5
Сариосиё	6 751,1	10 137,1	15 195,9	22 222,5	31 586,2	45 849,8	60 815,5	78 956,8	97 063,9	118 316,0	31 586,2
Термиз	7 333,3	11 001,5	16 484,2	24 100,9	34 275,5	49 765,2	65 983,3	85 673,0	105 325,6	128 389,5	34 275,5
Узун	6 751,1	10 137,1	15 195,9	22 222,5	31 586,2	45 849,8	60 815,5	78 956,8	97 063,9	118 316,0	31 586,2
Шеробод	6 899,2	10 350,3	15 514,0	22 690,4	32 260,8	46 832,0	62 107,8	80 622,9	99 146,7	120 840,4	32 260,8
Шўрчи	8 833,6	13 261,6	19 885,0	29 073,0	41 327,6	60 000,8	79 568,5	103 307,8	127 030,0	154 806,6	41 327,6

Туман, шаҳар	1 га учун ер тоифалари бўйича ер солиги ставкалари, сўмда										
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	Баҳолан- маган ерлар
	0 дан 10 баллгача	11 дан 20 баллгача	21 дан 30 баллгача	31 дан 40 баллгача	41 дан 50 баллгача	51 дан 60 баллгача	61 дан 70 баллгача	71 дан 80 баллгача	81 дан 90 баллгача	91 дан 100 баллгача	
Сирдарё вилояти											
Оқолтин	4 336,1	6 502,7	9 746,6	14 239,3	20 248,6	29 397,5	38 968,7	50 573,6	62 226,3	75 837,1	20 248,6
Боёвут	4 569,9	6 843,4	10 266,1	14 996,1	21 333,4	30 973,3	41 043,3	53 288,0	65 568,2	79 882,2	21 333,4
Гулистон	4 031,2	6 036,1	9 053,5	13 219,4	18 809,2	27 300,8	36 180,0	46 960,0	57 789,6	70 413,7	18 809,2
Мирзаобод	3 286,5	4 931,2	7 396,0	10 809,4	15 366,6	22 302,3	29 567,2	38 390,2	47 222,5	57 556,7	15 366,6
Сайхунобод	4 604,6	6 907,9	10 363,8	15 123,4	21 512,8	31 228,6	41 405,1	53 747,6	66 121,0	80 558,5	21 512,8
Сирдарё	4 675,9	7 026,5	10 533,8	15 379,1	21 883,1	31 746,9	42 095,9	54 647,3	67 226,1	81 914,5	21 883,1
Сардоба	3 796,5	5 688,4	8 535,6	12 453,1	17 725,0	25 724,8	34 094,5	44 260,2	54 448,6	66 345,1	17 725,0
Ховос	2 785,1	4 179,1	6 270,5	9 151,2	13 019,3	18 893,9	25 048,6	32 515,6	39 997,0	48 744,8	13 019,3
Гулистон ш.	4 031,2	6 036,1	9 055,1	13 219,4	18 809,2	27 300,8	36 178,8	46 960,0	57 789,6	70 413,7	18 809,2
Янгиер ш.	3 868,6	5 803,0	8 706,4	12 708,8	18 081,3	26 242,4	34 784,6	45 162,1	55 554,0	67 702,2	18 081,3
Тошкент вилояти											
Оққўргон	6 712,0	10 060,1	15 084,1	22 034,6	31 321,5	45 472,7	60 297,4	78 289,2	96 272,1	117 321,4	31 321,5
Оҳангарон	6 172,6	9 253,5	13 873,1	20 275,5	28 819,0	41 833,6	55 473,7	72 016,3	88 572,2	107 945,2	28 819,0
Бекобод	6 108,1	9 154,9	13 724,7	20 053,5	28 509,1	41 387,1	54 861,7	71 250,4	87 592,6	106 762,1	28 509,1
Бўстонлиқ	6 381,4	9 556,3	14 319,6	20 934,5	29 758,9	43 200,8	57 288,7	74 375,4	91 453,6	111 460,1	29 758,9
Бўка	6 712,0	10 060,1	15 081,8	22 034,6	31 321,5	45 472,7	60 297,4	78 289,2	96 272,1	117 321,4	31 321,5
Зангиота	7 306,5	10 962,3	16 435,7	24 014,9	34 135,3	49 566,0	65 733,4	85 328,3	104 943,7	127 890,1	34 135,3
Қибрай	7 247,6	10 865,2	16 292,7	23 795,2	33 834,2	49 119,4	65 129,4	84 554,7	103 965,6	126 710,9	33 834,2
Куйичирчиқ	6 907,9	10 363,8	15 535,9	22 691,8	32 260,8	46 840,5	62 121,6	80 636,9	99 158,8	120 848,2	32 260,8
Паркент	5 573,5	8 347,6	12 512,1	18 282,2	25 999,1	37 740,2	50 055,8	64 976,6	79 901,0	97 373,7	25 999,1
Пискент	6 647,9	9 962,9	14 931,9	21 814,1	31 015,6	45 012,2	59 696,8	77 494,5	95 317,2	116 138,8	31 015,6
Тошкент	6 907,9	10 363,8	15 548,3	22 691,8	32 260,8	46 840,5	62 121,6	80 636,9	99 158,8	120 848,2	32 260,8
Ўртачирчиқ	6 843,4	10 256,7	15 386,9	22 477,9	31 955,1	46 379,4	61 509,9	79 844,0	98 200,1	119 666,0	31 955,1
Чиноз	6 979,9	10 462,2	15 678,6	22 914,2	32 571,5	47 287,4	62 708,7	81 412,4	100 136,1	122 030,1	32 571,5
Юқоричирчиқ	6 907,9	10 363,8	15 535,9	22 691,8	32 260,8	46 840,5	62 121,6	80 636,9	99 149,7	120 848,2	32 260,8
Янгийўл	7 039,8	10 559,1	15 839,5	23 136,3	32 892,6	47 750,3	63 310,3	82 203,3	101 084,2	123 182,1	32 892,6
Бекобод ш.	6 712,0	10 060,1	15 081,8	22 034,6	31 321,5	45 472,7	60 297,4	78 289,2	96 272,1	117 321,4	31 321,5
Фарғона вилояти											
Олтиариқ	5 368,5	8 046,6	12 064,4	17 632,7	25 056,3	36 375,1	48 236,8	62 622,6	77 017,9	93 862,4	25 056,3
Охунбобоев	5 134,6	7 693,5	11 540,6	16 865,7	23 972,2	34 798,3	46 143,5	59 905,2	73 661,5	89 769,6	23 972,2
Бағдод	5 313,1	7 961,8	11 935,0	17 441,6	24 789,3	35 988,4	47 706,7	61 956,9	76 168,5	92 834,2	24 789,3
Бешариқ	5 886,4	8 833,6	13 241,2	19 353,9	27 506,6	39 947,4	52 966,7	68 764,8	84 541,2	103 047,0	27 506,6
Бувайда	5 602,2	8 395,9	12 594,0	18 397,0	26 155,0	37 964,8	50 346,5	65 359,2	80 359,8	97 929,4	26 155,0
Данғара	5 780,8	8 663,9	12 985,9	18 969,8	26 969,0	39 142,6	51 910,8	67 386,1	82 883,4	100 990,1	26 969,0
Қува	6 822,3	10 235,5	15 344,2	22 422,6	31 865,9	46 265,4	61 342,5	79 645,7	97 956,4	119 364,8	31 865,9
Риштон	5 836,4	8 747,4	13 111,7	19 160,3	27 236,9	39 543,8	52 434,1	68 076,1	83 717,6	102 019,4	27 236,9
Сўх	5 547,9	8 310,4	12 455,7	18 205,1	25 872,2	37 566,8	49 815,6	64 670,9	79 526,1	96 924,6	25 872,2
Тошлоқ	6 538,9	9 798,3	14 686,0	21 457,6	30 503,5	44 290,3	58 724,9	76 239,9	93 764,8	114 270,1	30 503,5
Ўзбекистон	6 120,9	9 181,5	13 771,6	20 118,1	28 601,5	41 523,2	55 052,6	71 479,5	87 900,9	107 116,3	28 601,5
Учкўприк	5 950,6	8 918,9	13 382,4	19 544,9	27 785,2	40 330,8	53 488,8	69 429,9	85 391,1	104 054,8	27 785,2
Фарғона	6 304,1	9 449,4	14 168,0	20 690,7	29 418,8	42 711,7	56 637,6	73 525,4	90 407,6	110 179,3	29 418,8
Фурқат	5 836,4	8 747,4	13 111,7	19 160,3	27 236,9	39 543,8	52 434,1	68 076,1	83 717,6	102 019,4	27 236,9
Ёзёвон	5 836,4	8 747,4	13 111,7	19 160,3	27 236,9	39 543,8	52 434,1	68 076,1	83 717,6	102 019,4	27 236,9
Кувасой ш.	6 185,0	9 267,7	13 899,5	20 309,1	28 869,4	41 909,6	55 582,7	72 168,0	88 734,0	108 144,9	28 869,4
Фарғона ш.	6 538,9	9 798,3	14 686,0	21 457,6	30 503,5	44 290,3	58 724,9	76 239,9	93 764,8	114 270,1	30 503,5
Хоразм вилояти											
Богот	5 100,8	7 651,3	11 469,3	16 767,0	23 824,0	34 586,0	45 875,3	59 548,6	73 239,2	89 275,8	23 824,0
Гурлан	5 355,4	8 033,2	12 042,6	17 610,5	25 018,4	36 311,9	48 171,0	62 524,4	76 890,5	93 736,6	25 018,4
Қўшқўпир	4 795,5	7 192,7	10 780,4	15 760,8	22 391,5	32 509,2	43 120,5	55 965,1	68 841,1	83 908,5	22 391,5
Урганч	5 254,2	7 879,8	11 812,2	17 269,9	24 532,4	35 615,3	47 251,2	61 337,7	75 437,6	91 941,5	24 532,4
Ҳазорасп	4 592,1	6 886,0	10 321,6	15 089,6	21 435,4	31 130,0	41 284,5	53 589,2	65 912,9	80 355,1	21 435,4
Хонқа	5 449,3	8 188,7	12 271,0	17 942,8	25 490,3	37 005,3	49 087,5	63 714,5	78 365,4	95 520,7	25 490,3
Хива	5 449,3	8 188,7	12 271,0	17 942,8	25 490,3	37 005,3	49 087,5	63 714,5	78 365,4	95 520,7	25 490,3
Шовот	5 405,6	8 110,1	12 156,7	17 769,0	25 261,6	36 661,3	48 629,8	63 128,7	77 639,8	94 637,1	25 261,6

Туман, шаҳар	1 га учун ер тоифалари бўйича ер солиғи ставкалари, сўмда										
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	Баҳолан- маган ерлар
	0 дан 10 баллгача	11 дан 20 баллгача	21 дан 30 баллгача	31 дан 40 баллгача	41 дан 50 баллгача	51 дан 60 баллгача	61 дан 70 баллгача	71 дан 80 баллгача	81 дан 90 баллгача	91 дан 100 баллгача	
Янгиариқ	5 100,8	7 651,3	11 469,3	16 767,0	23 824,0	34 586,0	45 875,3	59 548,6	73 239,2	89 275,8	23 824,0
Янгибозор	5 100,8	7 651,3	11 469,3	16 767,0	23 824,0	34 586,0	45 875,3	59 548,6	73 239,2	89 275,8	23 824,0
Питнак ш.	4 336,1	6 504,3	9 746,6	14 248,6	20 258,5	29 399,8	38 989,5	50 611,4	62 262,0	75 891,7	20 258,5
Урганч ш.	5 254,2	7 879,8	11 812,2	17 269,9	24 532,4	35 615,3	47 251,2	61 337,7	75 437,6	91 941,5	24 532,4

2-жадвал

**ЛАЛМИ ЭКИНЗОРЛАР, БЎЗ ЕРЛАР ВА КЎП ЙИЛЛИК
КЎЧАТЛАР УЧУН УНДИРИЛАДИГАН ЕР СОЛИҒИ
СТАВКАЛАРИ**

Вилоят	1 га учун ер солиғининг зоналар бўйича ставкалари, сўм		
	Текислик (ёгингарчиликлар бўлмайдиган) зонаси	Адир (ёгингарчиликлар билан кам таъминланган) зонаси	Тог олди ва тоғлик (ёгингарчиликлар билан таъминланган) зона
Андижон вилояти	766,9	807,9	1 225,8
Жиззах вилояти	723,4	761,6	1 232,6
Навоий вилояти	723,4	761,6	1 232,6
Наманган вилояти	800,4	914,4	1 139,4
Қашқадарё вилояти	800,4	914,4	1 139,4
Самарқанд вилояти	723,4	1 027,9	1 297,2
Сурхондарё вилояти	643,5	914,4	1 139,4
Сирдарё вилояти	723,4	957,7	1 225,8
Тошкент вилояти	766,9	1 268,2	1 521,5

3-жадвал

**СУҒОРИЛМАЙДИГАН ПИЧАНЗОРЛАР ВА ЯЙЛОВЛАР
УЧУН УНДИРИЛАДИГАН ЕР СОЛИҒИ
СТАВКАЛАРИ**

Республика, вилоят	Баландлик минтақалари бўйича 1 га учун ер солиғи ставкалари, сўмда		
	Чўл	Адир	Тог
Қорақалпоғистон Республикаси	119,6	219,0	310,5
Андижон вилояти	163,1	227,1	310,5
Бухоро вилояти	163,1	227,1	310,5
Жиззах вилояти	148,4	190,8	268,0
Қашқадарё вилояти	190,8	190,8	298,2
Навоий вилояти	163,1	190,8	268,0
Наманган вилояти	163,1	227,1	298,2
Самарқанд вилояти	148,4	255,4	425,4
Сурхондарё вилояти	107,6	227,1	298,2
Сирдарё вилояти	148,4	190,8	268,0
Тошкент вилояти	148,4	227,1	310,5
Фарғона вилояти	148,4	190,8	310,5
Хоразм вилояти	119,6	219,0	310,5

4-жадвал

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИДА ФОЙДАЛАНИЛМАЙДИГАН
БОШҚА ЕРЛАР УЧУН УНДИРИЛАДИГАН ЕР СОЛИҒИ
СТАВКАЛАРИ**

Республика, вилоят	1 га учун ер солиғи ставкалари, сўмда		
	сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, йўллар	жамоат қурилмалари ва ҳовлилари	қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар
Қорақалпоғистон Республикаси	- 157,7	87 978,6	22,3
Андижон вилояти	255,4	134 188,7	22,3
Бухоро вилояти	205,4	115 061,9	22,3
Жиззах вилояти	178,6	99 246,0	22,3
Қашқадарё вилояти	178,6	95 894,8	22,3
Навоий вилояти	190,8	112 772,9	22,3
Наманган вилояти	222,0	117 310,5	22,3
Самарқанд вилояти	243,8	128 575,8	22,3

Республика, вилоят	1 га учун ер солиғи ставкалари, сўмда		
	сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, йўллар	жамоат қурилмалари ва ҳовлилари	қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар
Сурхондарё вилояти	268,0	148 847,4	22,3
Сирдарё вилояти	141,2	83 388,8	22,3
Тошкент вилояти	222,0	120 661,8	22,3
Фарғона вилояти	222,0	120 661,8	22,3
Хоразм вилояти	222,0	117 310,5	22,3

5-жадвал

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЕР СОЛИҒИ
СТАВКАЛАРИ**

Зона	Кўйидагилардан ундириладиган ер солиғи ставкалари	
	юридик шахслардан 1 га учун, сўмда	фуқаролардан яқка тартибда уй-жой қуриш учун берилган 1 кв. м учун, сўмда
1	6 543 838	64,5
2	6 739 831	81,2
3	11 256 221	114,8
4	16 884 306	124,1
5	20 064 182	141,2
6	28 068 815	174,3
7	33 682 573	183,2
8	39 408 669	191,8
9	44 926 807	213,2
10	50 318 213	225,7
11	55 853 129	242,1
12	61 438 201	255,4
13	66 968 229	268,0
14	71 455 892	280,4

6-жадвал

**ШАҲАР ВА ҚҶРҒОНЛАРДА ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЕР СОЛИҒИ
СТАВКАЛАРИ**

Шаҳар, вилоят	Кўйидагилардан ундириладиган ер солиғи ставкалари							
	юридик шахслардан 1 га учун, сўмда				яқка тартибда уй-жой қуриш учун берилган ер учун фуқаролардан 1 кв. м учун, сўмда			
	1-зона	2-зона	3-зона	4-зона	1-зона	2-зона	3-зона	4-зона
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Оқтош	3 933 016	3 230 044	2 780 548		35,1	28,5	25,8	
Олмалиқ	5 475 114	4 989 719	4 286 855	3 924 978	50,1	45,0	38,1	35,1
Ангрен	5 475 114	4 989 719	4 286 855	3 924 978	50,1	45,0	38,1	35,1
Андижон	6 452 929	6 056 110	5 659 163	5 209 676	59,0	55,8	51,1	48,6
Асака	3 822 983	3 120 114	2 668 224		35,1	28,5	23,9	
Оҳангарон	3 929 315	3 222 897	2 773 410		35,1	28,5	25,8	
Бекобод	4 449 440	3 746 468	3 187 065		39,4	33,1	28,5	
Беруний	4 176 821	3 473 967	2 914 439		38,1	32,0	27,4	
Бухоро	5 305 310	4 817 579	4 117 107	3 736 896	48,6	44,0	37,3	33,1
Ғиждувон	3 756 031	3 053 179	2 603 681		33,1	28,8	23,9	
Ғулистон	4 136 231	3 433 301	2 873 853		38,1	32,0	25,8*	
Денов	4 566 584	3 791 940	3 296 981		42,0	35,1	31,6	
Жиззах	5 250 363	4 765 026	4 062 059	3 684 495	48,6	44,0	37,3	33,1
Питнак	3 758 456	3 055 559	2 606 071		33,1	28,5	23,9	
Зарафшон	3 945 594	3 230 044	2 780 548		35,1	28,5	25,8	
Когон	3 756 031	3 053 179	2 603 681		33,1	28,5	23,9	
Қорасув	3 822 983	3 120 114	2 668 224		35,1	28,5	23,9	
Қарши	5 142 740	4 657 421	3 954 521	3 576 742	45,5	44,0	37,3	32,0
Косонсой	3 791 940	3 089 015	2 637 101		33,1	28,5	23,9	
Каттақўрғон	4 456 584	3 753 690	3 194 200		39,4	33,1	28,5	
Қўқон	5 295 742	4 810 437	4 107 541	3 729 758	48,6	44,0	37,3	33,1
Қува	3 746 468	3 043 605	2 594 127		35,1	28,5	23,9	
Қувасой	3 746 468	3 043 605	2 594 127		35,1	28,5	23,9	
Қўнғирот	3 758 456	3 124 839	2 622 814		35,1	28,5	23,9	

Шаҳар, вилоят	Қўйидагилардан ундириладиган ер солиғи ставкалари							
	юридик шахслардан 1 га учун, сўмда				якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган ер учун фуқаролардан 1 кв. м учун, сўмда			
	1-зона	2-зона	3-зона	4-зона	1-зона	2-зона	3-зона	4-зона
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Марғилон	4 270 114	3 567 188	3 007 736		38,1	32,0	27,4	
Навоий	5 236 029	4 750 627	4 047 780	3 667 616	48,6	44,0	37,3	33,1
Наманган	6 421 899	6 024 994	5 628 129	5 306 159	59,0	54,4	51,1	48,6
Нукус	5 202 530	4 717 223	4 014 251	3 635 995	48,6	44,0	37,3	33,1
Самарқанд	6 562 967	6 168 455	5 771 580	5 319 719	59,0	55,8	53,4	48,6
Сирдарё	3 612 582	2 904 883	2 460 236		33,1	28,5	22,3	
Тахياتош	4 176 821	3 473 967	2 914 439		39,4	33,1	28,5	
Термиз	4 671 782	3 971 264	3 418 967		44,0	37,3	31,6	
Тўрткўл	3 612 582	2 904 883	2 460 236		33,1	28,5	22,3	
Урганч	5 307 742	4 785 823	4 119 436	3 741 748	48,6	45,0	37,3	33,1
Ургут	3 933 016	3 230 044	2 780 548		35,1	28,5	25,8	
Учкудук	3 686 751	2 983 811	2 534 333		33,1	27,4	22,3	
Учкўрган	3 744 123	3 089 015	2 637 101		35,1	28,5	23,9	
Фаргона	5 295 753	4 810 437	4 107 541	3 729 758	48,6	44,0	37,3	33,1
Ҳаққулбод	3 791 940	3 089 015	2 637 101		35,1	28,5	23,9	
Ҳонобод	3 822 983	3 120 114	2 668 224		35,1	28,5	23,9	
Хива	3 758 456	3 055 559	2 606 071		33,1	27,4	23,9	
Хўжайли	4 387 210	3 646 108	3 060 312		38,1	33,1	27,4	
Чортоқ	3 791 940	3 089 015	2 637 101		35,1	31,6	23,9	
Чимбой	3 758 456	3 055 559	2 606 071		35,1	28,5	23,9	
Чирчиқ	5 475 114	4 996 939	4 286 855	3 909 039	50,1	45,0	38,1	35,1
Чуст	3 791 940	3 089 015	2 637 101		35,1	28,5	23,9	
Шаҳрисабз	4 528 331	3 756 031	2 660 689		42,0	33,1	25,8	
Шаҳрихон	3 822 983	3 120 114	2 668 224		35,1	28,5	23,9	
Ширин	3 612 582	2 904 883	2 460 236		33,5	27,4	23,1	
Янгиобод	3 925 836	3 222 897	2 773 410		35,1	28,5	25,8	
Янгиер	3 612 582	2 904 883	2 460 236		33,5	27,4	23,1	
Янгийўл	3 925 836	3 222 897	2 773 410		35,1	28,5	25,8	
Бошқа кичик шаҳарлар								
Қорақалпоғистон Республикаси:								
шимолий зона	2 959 919	2 388 459	2 025 044		27,4	22,3	17,9	
марказий зона	3 287 377	2 895 318	2 249 842		31,6	23,9	21,6	
жанубий зона	3 653 250	2 950 355	2 500 869		32,0	27,4	22,3	
Андижон	3 822 983	3 120 114	2 668 224		35,1	28,5	23,9	
Бухоро	3 756 031	3 053 179	2 603 681		33,5	27,4	23,9	
Жиззах	3 593 449	2 890 584	2 441 110		32,0	25,8	22,3	
Қашқадарё	4 117 107	3 414 171	2 854 720		37,3	31,6	25,8	
Навоий	3 686 751	2 983 811	2 534 333		33,5	27,4	22,3	
Наманган	3 791 940	3 089 015	2 637 101		35,1	28,5	23,9	
Самарқанд	3 933 016	3 230 044	2 780 548		35,1	28,5	25,8	
Сурхондарё	4 150 547	3 447 661	2 998 172		38,1	32,0	27,4	
Сирдарё	3 612 582	2 909 716	2 460 236		33,5	27,4	22,3	
Тошкент	3 925 836	3 222 897	2 773 410		35,1	28,5	25,8	
Фаргона	3 746 468	3 043 605	2 594 127		33,5	27,4	23,9	
Хоразм	3 758 456	3 055 559	2 606 071		33,5	27,4	23,9	
Туман марказлари ҳисобланган қўрғонлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари								
Қорақалпоғистон Республикаси:								
шимолий зона	2 388 459	2 025 044			22,3	18,4		
марказий зона	2 895 318	2 249 842			24,2	20,7		
жанубий зона	2 950 355	2 500 869			27,4	22,3		
Андижон	3 120 114	2 668 224			28,8	24,2		
Бухоро	3 053 179	2 603 681			27,4	24,2		
Жиззах	2 890 584	2 441 110			25,8	22,3		
Қашқадарё	3 414 171	2 854 720			30,4	25,8		
Навоий	2 983 811	2 534 333			27,4	22,3		
Наманган	3 089 015	2 637 101			28,8	24,2		
Самарқанд	3 230 044	2 780 548			28,8	25,8		
Сурхондарё	3 447 661	2 998 172			32,0	27,4		
Сирдарё	2 909 716	2 460 236			27,4	22,3		
Тошкент	3 222 897	2 773 410			28,8	25,8		
Фаргона	3 043 605	2 594 113			27,4	24,2		
Хоразм	3 055 559	2 606 071			27,4	24,2		

**КИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЖОЙЛАШГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН
УНДИРИЛАДИГАН ЕР СОЛИФИ
СТАВКАЛАРИ**

Республика, вилоят	1 га учун ер солиғи ставкалари, сўмда				
	юридик шахсларга ажратилган ерлар учун, зоналар бўйича			кон ва карьерлар банд этган ерлар учун, зоналар бўйича	
	сугориладиган		лалми-яйлов	сугориладиган	лалми-яйлов
	аҳоли пунктларида	аҳоли пунктларидан ташқарида			
Қорақалпоғистон Республикаси:					
шимолий	1 704 715	1 582 740	77 278	447 063	15 169
марказий	1 893 574	1 759 679	95 634	497 301	23 883
жанубий	2 103 964	1 955 700	105 218	549 818	28 688
Андижон	2 151 794	2 001 187	107 624	614 485	31 118
Бухоро	2 080 038	1 953 370	105 214	549 878	28 698
Жиззах	1 936 582	1 831 381	98 055	401 667	19 128
Қашқадарё	1 936 582	1 831 381	98 055	387 303	19 128
Навоий	2 008 330	1 900 709	100 398	478 176	23 886
Наманган	1 974 835	1 888 765	95 634	583 388	28 698
Самарқанд	2 271 306	2 084 842	114 765	726 828	35 840
Сурхондарё	2 486 505	2 247 428	124 338	941 986	47 826
Сирдарё	1 936 582	1 845 760	98 055	406 427	21 543
Тошкент	2 271 306	2 080 038	114 765	719 686	35 840
Фарғона	2 080 038	1 946 151	105 214	540 315	26 266
Хоразм	2 103 964	1 955 713	105 214	552 270	28 698

**КИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЖОЙЛАШГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ФУҚАРОЛАРДАН УНДИРИЛАДИГАН ЕР СОЛИФИ
СТАВКАЛАРИ**

Республика, вилоят	0,01 га учун ер солиғи ставкалари, сўмда			жамоа боғдорчилиги ва полизчилигини юритишга берилган ерлар учун
	деҳқон хўжалигини юритишга берилган ерлар учун			
	сугориладиган зона		лалми ерлар	
	аҳоли пунктларида	аҳоли пунктларидан ташқарида		
Қорақалпоғистон Республикаси:				
шимолий	999,1	500,8	99,9	528,4
марказий	1 600,0	800,4	162,0	-
жанубий	1 777,4	888,5	178,4	653,7
Андижон	1 878,5	938,5	186,3	728,1
Бухоро	1 775,0	887,0	164,6	650,4
Жиззах	1 663,6	832,1	119,6	467,4
Қашқадарё	1 663,6	832,1	118,0	458,0
Навоий	1 726,8	863,1	142,6	566,5
Наманган	1 798,4	899,4	178,4	690,1
Самарқанд	1 896,9	948,6	219,8	857,9
Сурхондарё	2 045,2	1 022,9	287,3	1 117,1
Сирдарё	1 677,3	838,9	124,1	479,7
Тошкент	1 892,3	946,3	218,3	852,3
Фарғона	1 769,7	884,9	163,1	638,9
Хоразм	1 777,4	888,5	168,2	653,7

19-иловага изоҳ:

1. 7 ва 8-жадвалларда келтирилган ставкаларга ер участкаларининг жойлашиш жойига боғлиқ ҳолда қуйидаги коэффициентлар қўлланилади: Тошкент шаҳри атрофида 20 км лик айланада - 1,30, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 км лик айланада - 1,20, туман марказлари атрофида 10 км лик айланада - 1,15, бошқа шаҳарлар атрофида 5 км лик айланада - 1,10.

2. Деҳқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида 8-жадвалда келтирилган ставкаларга, ер сифатига боғлиқ ҳолда, қуйидаги коэффициентлар қўлланилади: тупроқ бонитети 40 баллгача бўлса - 0,75; тупроқ бонитети 41 дан 70 баллгача бўлса - 1,0; тупроқ бонитети 70 баллдан ортиқ бўлса - 1,25.

3. Ўрмон хўжаликларида молларни ўтлатиш учун фойдаланилмайдиган яйлов ерлар учун ер солиғи бошқа ерлар учун ставкалар бўйича тўланади.

4. Шаҳар ва қўрғонларнинг маъмурий чегараларида жойлашган кон ва карьерлар банд этган ерлар учун солиқ 5 ва

6-жадвалларда тегишли зоналар учун келтирилган ставкаларга 0,1 коэффицентини қўллаган ҳолда тўланади.

5. Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.

6. Жамоавий ва шахсий гаражлар банд этган ер участкалари учун жисмоний шахслардан солиқ якка тартибдаги уй-жой қуриладиган ерлар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига
30-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ 2010 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН
ҚАРОРЛАРИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси ва «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси корхоналарининг молиявий аҳволини соғломлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 20 октябрдаги ПҚ-204-сон қарорининг 8-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 8 июндаги ПҚ-374-сон қарорининг 2-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув ходимлари сонини янада мақбуллаштириш ҳамда қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 1 майдаги ПҚ-853-сон

қарори 5-бандининг иккинчи хатбоши.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 5 августдаги ПҚ-1169-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбоши ва қарорга 2-илова.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 4 мартдаги 78-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбоши.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбоши.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига
31-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА 2010 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ КИРИТИЛАЁТГАН
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 1 декабрдаги ПҚ-229-сон қарориди:

а) 3-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги мазмунда баён қилинсин:

«ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида ҳосил бўлган бюджет маблағлари тежами (капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлардан ташқари);»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«вақтинча фойдаланилмаётган хоналарни ва давлатнинг бошқа мулкани чет ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағлар»;

б) 4-банднинг учинчи хатбошига «шунингдек кредиторлик қарзларни тўлашга» сўзлари қўшилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 июндаги ПҚ-363-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 18-банднинг учинчи хатбошидаги «сотиб олишга» сўзларидан кейин «ва етказиб беришга» сўзлари қўшилсин;

б) 20-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тузилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар сотиб олиш ва етказиб бериш юзасидан контрактлар бўйича харажатларни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади»;

учинчи ва тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7

июлдаги ПҚ-404-сон қарорининг 2-бандига қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Минтақавий сиёсат жамғармаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти учун лекциялар ўқиганлик, мақолалар, ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаганлик учун ушбу бандда кўрсатилган шахслар, Минтақавий сиёсат жамғармаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг штатдаги ходимлари томонидан олинadиган даромадлар жисмоний шахслар даромадлари солиғи тўлашдан озод қилинсин».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сон қарориди:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 9-банди бешинчи хатбошидаги «объектларни таъмирлаш» сўзларидан кейин «техник кузатиш ва назорат қилиш» сўзлари қўшилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 35-банди биринчи хатбошидаги ушбу Низом 7-бандининг «к» кичик бандида назарда тутилган» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорти паркинни янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 14 декабрдаги ПҚ-531-сон қарорининг 3-бандидаги «2010» рақамлари «2014» рақамлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сон қарори билан тасдиқланган «Алкоголли маҳсулотларни чакана сотиш қоидаларининг 15-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам чакана нархдан паст».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарори билан тасдиқланган Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги низомнинг 12-банди учинчи хатбошидаги «устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ бўлган» сўзлари чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил учун Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида» 2008 йил 28 декабрдаги ПҚ-1024-сон қарори 8-бандининг биринчи хатбошидаги «охирги икки чорақдаги» сўзларидан кейин «(қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашаётган корхоналар учун — охирги тўрт чорақдаги)» сўзлари қўшилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шарти билан уй-жой фондини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» 2009 йил 29 январдаги ПҚ-1051-сон қарори 3-бандининг биринчи хатбошидаги «2014 йил 1 январгача» сўзларидан кейин «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартлари билан якка тартибда уй-жой қуриш доирасида улар томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳажмлари бўйича пудрат ташкилотлари ва» сўзлари қўшилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 4-банди «к-1» кичик бандининг биринчи хатбошидаги «мамлакатимиз» сўзидан кейин «ва импорт» сўзлари қўшилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда):

а) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «2010» рақамлари «2015» рақамлари билан алмаштирилсин;

б) «Бюджет ташкилотлари харажатларини (тўлашни) молиялаштириш тартибида»:

11-банднинг биринчи хатбошига «(иш ҳақи учун олинган аванслардан ташқари)» сўзлари қўшилсин.

29-бандда:

биринчи хатбошидаги «тақдирда» сўзидан кейин «товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўрни тўлдирилгандан кейин» сўзлари қўшилсин;

иккинчи хатбошидаги «товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатлар ўрнини тўлдиришга ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «тушган барча маблағларнинг» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди бешинчи хатбошидан ва 26-1-бандининг учинчи хатбошидан «устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ бўлган» сўзлари чиқариб ташлансин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «давлат бюджети» сўзларидан кейин «бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари» сўзлари қўшилсин;

б) Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низомда:

2-банддаги «давлат бюджети» сўзларидан кейин «бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари» сўзлари қўшилсин;

5-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«10 та энг кам ойлик иш ҳақидан 100 минг АҚШ долларигача тенг суммадаги битта контракт бўйича етказиб бе-

ришларни амалга оширишда харидлар буюртмачи томонидан ташкил этиладиган махсус комиссия қарори билан, тендер савдолари ўтказмасдан, қуйидаги йўллар билан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида амалга оширилади:

харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматларнинг тавсифномасини, сонини, бажариш муддатини ва товарни етказиб бериш жойини кўрсатган ҳолда таклифларни етказиб берувчиларга ёки пудратчиларга юбориш;

етказиб берувчилар ёки пудратчилар эълон қилган нархлар ва тавсифномаларни таққослаш.

Махсус комиссия буюртмачининг раҳбар ходимлари ва ваколатли мутахассисларидан камида уч нафардан иборат бўлган таркибда тузилади. Махсус комиссиянинг қарори протокол билан расмийлаштирилади».

14. Вазирлар Маҳкамасининг «2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида» 2001 йил 12 июндаги 250-сон қарорининг 9-бандидаги «2010» рақамлари «2015» рақамлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Гастроль-концерт фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видеокассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 29 июндаги 285-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 36-модда) 1-бандида:

тўртинчи хатбошидаги «шунингдек» сўзи «тўлиқ микдорда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси минтақавий бўлимларининг талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобрақамларига ўтказилади» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги олтинчи — ўн учинчи хатбоши қўшилсин:

«концертлар ва томоша тадбирларини ташкил этиш юридик шахслар томонидан, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси берадиган бир марталик гастроль-концерт гувоҳномаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Бир марталик гастроль-концерт гувоҳномасини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан белгиланади.

Бир марталик гастроль-концерт гувоҳномаси берганлик учун:

Тошкент шаҳрида — энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари микдорида;

вилоят марказларида — энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари микдорида;

бошқа аҳоли пунктларида — энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари микдорида йиғим ундирилади.

Йиғим маблағлари «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасига тушади ва улардан бир марталик гастроль-концерт гувоҳномасини бериш билан боғлиқ харажатларни қоплашда фойдаланилади.

Фаолиятни лицензиясиз ва гастроль-концерт гувоҳномасисиз амалга оширган шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган жазо чоралари қўлланади».

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларининг сув таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 мартдаги 98-сон қарори 9-бандининг иккинчи хатбошидаги «2010» рақамлари «2011» рақамлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қуйидаги мазмундаги 22-банд қўшилсин:

«22. Янги импорт автомобилларни чакана савдода сотиш».

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларининг 119-бандида:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Янги импорт автомобилларни сотиш фақат юридик шахслар — ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг расмий дилерлари томонидан амалга оширилади»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 57-модда):

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «маблағлари» сўзидан кейин «бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари» сўзлари қўшилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги низомнинг 2-бандидаги «маблағлари» сўзидан кейин «бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари» сўзлари қўшилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 83-модда) билан тасдиқланган Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди иккинчи хатбошидаги «бюджетдан ажратмалар» сўзларидан олдин «бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва» сўзлари қўшилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 498-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 114-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 4-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи жумла қўшилсин:

«Лицензия фақат ижрочиларга — жисмоний шахсларга ва ижодий жамоаларга — юридик шахсларга берилади»;

б) 13-банднинг иккинчи хатбошидаги биринчи жумла чиқариб ташлансин;

в) 29-банднинг иккинчи хатбошидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

г) 31-банднинг иккинчи хатбошидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги низомнинг 32-бандидаги «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасига» сўзлари «шаҳар йўловчи ташиш корхоналарига (автобусларда йўловчи ташиш учун)» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 июндаги 263-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 52-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбошига «Давлат умуммиллий дастурини рўёбга чиқаришда» сўзларидан кейин «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида белгиланган бошқа тадбирларни амалга оширишда» сўзлари қўшилсин;

б) 3-банднинг ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён

қилинсин:

«Жамғарма маблағлари Жамғарманинг газначилик ҳисоб-рақамида жамланади»;

в) Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

5-банднинг иккинчи хатбошига «Давлат умуммиллий дастурини рўёбга чиқаришда» сўзларидан кейин «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида белгиланган бошқа тадбирларни амалга оширишда» сўзлари қўшилсин;

6-банднинг иккинчи хатбошига «спорт анжомлари билан жиҳозлаш ҳажмларини» сўзларидан кейин «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида белгиланган бошқа тадбирларни» сўзлари қўшилсин;

11-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Жамғарма маблағлари Жамғарманинг газначилик ҳисоб-рақамида жамланади»;

21-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«21. Жамғарма маблағлари Жамғарманинг газначилик ҳисоб-рақамидан:

а) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар газначилигида очиладиган газначилик ҳисоб-рақамлари орқали:

намунавий лойиҳалардан фойдаланилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда фақат тасдиқланган манзилли рўйхатларга мувофиқ бузиб ташланадиган мактаблар ўрнига янги мактаблар қуришга, мактабларни мукамал реконструкция қилишга, мукамал ва жорий таъмирлашга;

мактабларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлашга;

парталар ва мактаб мебеллари сотиб олишга;

мактабларни спорт анжомлари билан жиҳозлашга;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида белгиланган бошқа тадбирларга сарфланади».

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 11-сон, 103-модда) билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низом 9-бандининг биринчи хатбошидаги «ўз маблағлари етишмаган тақдирда, етишмаган маблағларни маҳаллий бюджетлардан олиш йўли билан» сўзлари чиқариб ташлансин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда):

а) 3-банднинг иккинчи хатбошига «таъмирлаш» сўзидан кейин «шунингдек кредиторлик қарзларни тўлаш» сўзлари қўшилсин;

б) 3-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларини сарфлаш йўналишлари

Тиббиёт муассасалари гуруҳлари	Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари:				Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасининг маблағларини сарфлаш йўналишлари	
					моддий рағбатлантиришга	моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, муассасани модернизация қилиш ва таъмирлаш, шунингдек кредиторлик қарзларни тўлашга
I гуруҳ муассасалар	Тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган умумий бюджет маблағларининг 5 фоизигача	ҳомий ва донор ташкилотлардан, шунингдек пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар	бюджет маблағларини тежаш ҳисобига ҳисобот чорагининг охиригича қунида ҳосил бўлган маблағлар (капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлардан ташқари)	вақтинча фойдаланилмаётган бинолар ва давлатнинг бошқа мулкни чет ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағлар	25%	75%
II гуруҳ муассасалар					35%	65%
III гуруҳ муассасалар					40%	60%
IV гуруҳ муассасалар					50%	50%

Изоҳ. Тежалган маблағлар мавжуд бўлганда ушбу маблағлар ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича тўланмаган нафақаларни молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин».

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиль транспортда йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарорига 2-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 7-сон, 51-модда) қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Автомобиль транспортда йўловчиларни ва юклари шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилганлиги учун давлат божи МИҚДОРЛАРИ

Фаолият турлари		Сигими (йўловчи ўрни ва юк қўтариш қуввати, тонна)	Автомобилтранспорт воситасининг бир бирлиги учун 1 йилга давлат божи суммаси (АҚШ долларида)
1) йўловчиларни шаҳарда ташиш	автобуслар	14 ўрингача	50,0
		14 ўриндан ортиқ	100,0
	микроавтобуслар енгил автомобиллар	1 та транспорт воситаси учун	300,0
		4 ўрингача	75,0
		4 ўриндан ортиқ	125,0
2) йўловчиларни шаҳар атрофида ташиш	автобуслар	19 ўрингача	75,0
		19 ўриндан ортиқ	150,0
	микроавтобуслар енгил автомобиллар	1 та транспорт воситаси учун	300,0
		4 ўрингача	75,0
		4 ўриндан ортиқ	125,0
3) йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш	автобуслар	21 ўрингача	225,0
		21 ўриндан ортиқ	600,0
	микроавтобуслар енгил автомобиллар	1 та транспорт воситаси учун	700,0
		1 та транспорт воситаси учун	200,0
4) йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича ташиш	автобуслар	12 ўриндан ортиқ	1000,0
	микроавтобуслар	1 та транспорт воситаси учун	800,0
	енгил автомобиллар	1 та транспорт воситаси учун	250,0
5) юкларни автомобиль транспортда шаҳарда, шаҳар атрофида ташиш		3,5 тоннагача	50,0
		3,5 тоннадан 10 тоннагача	100,0
		10 тоннадан 16 тоннагача	150,0
		16 тоннадан ортиқ	200,0
6) юкларни автомобиль транспортда шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш		3,5 тоннагача	75,0
		3,5 тоннадан 10 тоннагача	150,0
		10 тоннадан 16 тоннагача	200,0
		16 тоннадан ортиқ	250,0
7) юкларни автомобиль транспортда халқаро йўналишлар бўйича ташиш		1 та транспорт воситаси учун	300,0

Изоҳ. Давлат божи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов кундаги курси бўйича миллий валютада тўланади».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ АСОСИДА ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР,
БУТЛОВЧИ БУЮМЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ
МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 49-сон, 522-модда)

Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда бозор принциплари ва механизмларини янада чуқурлаштириш, биржа ва ярмарка савдоларининг ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантиришдаги ролини ошириш, шунингдек маҳаллий хом ашё ҳамда саноат кооперацияси негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини шакллантириш чора-тадбирларини амалга оширишда саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини шакллантириш ва амалга оширишда:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, ин-

вестициялар ва савдо вазирлиги импорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмлари ва турларини, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган контрактлар ва шартномаларни чуқур таҳлил қилиш, шунингдек ташқи бозорлар конъюнктурасини тизимли ўрганиш асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларнинг йўналишлари ҳамда аниқ рўйхатлари бўйича ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ҳамда уларни Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг таклифлари асосида республика тармоқлари ва минтақалари бўйича мамлакатимиз корхоналарида маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар (хизматлар)нинг янги турларини ишлаб чи-

қаришни ўзлаштириш юзасидан буюртмаларни жойлаштиришни амалга оширади, Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантиради, уларнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли мониторингни таъминлайди;

Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш ва амалга ошириш ишларини умумий мувофиқлаштиришни ҳукумат қарори билан ташкил этиладиган Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш бўйича махсус идоралараро комиссия бажаради.

2. Қуйидагилар:

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини тузиш жараёнида давлат бошқаруви органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимларининг чекланган сони 141 нафардан иборат бўлган янгиланган тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш бўйича махсус идоралараро комиссия таркиби 3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма компанияси очиқ акциядорлик жамияти ҳузуридаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Ижро этувчи органи Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекциясига айлантирилсин.

Илгари Ижро этувчи органга Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказишни ташкил этиш бўйича юкланган функциялар билан бирга қуйидагилар Дирекциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳар йили Ўзбекистонда ўтказиладиган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини уларнинг ишида қатнашадиган мамлакатимиз корхоналарини ҳамда уларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни, шу жумладан маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни, жумладан хорижий фойдаланувчилар учун қулай бўлган ахборот ресурслари орқали кенг реклама қилишни ташкил этиш;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасига потенциал хорижий субъектларни жалб этишни кенгайтириш ишларини тизимли асосда олиб бориш;

биржа ва ярмаркаларда хорижий шериклар билан экспорт-импорт битишувларини кенгайтириш, маҳсулотлар экспорти бўйича икки томонлама ҳукуматлараро битимлардан аста-секин чекиниш йўли билан мамлакатимиз товарлари ва хизматларини экспорт қилишнинг бозор принциплари ва механизмларини кучайтириш тадбирларини амалга ошириш, биржа ва ярмарка савдолари майдонларида тузиладиган экспорт контрактларини расмийлаштиришда кўмаклашиш;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган контрактлар ва шартномаларни таҳлил қилиш ҳамда тегишли лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш бўйича таклифларни шакллантириш, уларни Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этиш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг, шу жумладан маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш ва доимий равишда янгилаб бориш, Ўзбекистон саноат корхоналари маҳсулотларининг ҳар йили

янгилаб бориладиган каталогини электрон ва қоғозли форматда нашр этиш.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекциясининг ходимларнинг чекланган сони (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) 15 нафардан иборат бўлган ташкилий тузилмаси 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекцияси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

2010 йил 1 сентябрда бўлган муддатда «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма компанияси очиқ акциядорлик жамиятининг иккита павильонини реконструкция қилсин, умумий кўргазма майдонини 14,5 минг квадрат метргача етказсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, бегараз техник кўмакни (грантларни) жалб этишга доир ҳар бир лойиҳа бўйича мукофотларнинг аниқ миқдорлари ва мукофотланадиган мансабдор шахсларнинг рўйхати тегишли тузилмалар тақдимида кўра Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда аниқлаштирилади ва тасдиқланади.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги – «Ўзинфоинвест»ни ташкил этиш тўғрисида» 2007 йил 6 февралдаги ПҚ-578-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбоши ва қарорга 2-илова;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 11 апрелдаги 67-сон қарори 3-бандининг биринчи хатбоши ва қарорга 1-илова;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасига грантли бегараз техник кўмакни жалб этишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 20 октябрдаги 275-сон қарори 2-бандининг тўртинчи хатбоши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар юзасидан таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азиев ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М.Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 1 декабрь
ПҚ-1236-сон.

***2 ва 4-иловалар «Норма маслаҳатчи»да берилмайди. Иловаларнинг тўлиқ матни билан www.pqta.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиш мумкин.**

****3-илова берилмайди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2009 йил 1 декабрдаги ПҚ-1236-сон қарорига
1-ИЛОВА

САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ АСОСИДА ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР, БУТЛОВЧИ БУЮМЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИ ТУЗИШ ЖАРАЁНИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ВА ЛОЙИҲАЛАР ТАШАББУСКОРЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ (Кўчирма*)**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини (кейинги ўринларда Маҳаллийлаштириш дастури деб юритилади) тузиш, тасдиқ-

лаш ва амалга оширилишини назорат қилиш тартибини, шунингдек ушбу жараёнда унинг асосий қатнашчилари – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбир-

*****Илованинг тўлиқ матни билан www.pqta.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиш мумкин.**

корликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, бошқа вазирликлар ва идоралар, Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллийлаштириш лойиҳалари ташаббускорлари бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизми белгилайди.

2. Маҳаллийлаштириш дастурини тузиш унга:

хўжалик юритувчи субъектлар ташаббус кўрсатган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини;

импорт қилинадиган маҳсулотларнинг ҳажми, таркиби ва турларини чуқур таҳлил қилиш, ташқи бозорлар конъюнктурасини, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган контрактлар ва шартномаларни тизимли ўрганиш асосида ишлаб чиқилган Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг таклифлари асосида Иқтисодиёт вазирлиги томонидан жойлаштириладиган тайёр маҳсулотлар, хизматлар, бутловчи буюмлар ва материалларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини;

монополиялаштириш даражасини ва рақобат муҳити ривожланишини, товарлар (хизматлар)нинг ўзаро бир-бирининг ўрнини босиши ва нарх омилини ҳисобга олган ҳолда товарлар (хизматлар) билан ички бозорнинг тўлдирилганлигини баҳолашдан келиб чиқиб Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг таклифлари асосида тузиладиган маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларнинг янги турларини ўзлаштириш лойиҳаларини киритиш йўли билан амалга оширилади.

3. Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда ваколатли органлар деб юритилади) хулосалари асосида амалга оширилади.

4. Маҳаллийлаштириш дастурини тузиш ва амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш учун Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишни таъминлаш бўйича махсус идоралараро комиссия (кейинги ўринларда махсус комиссия деб юритилади) ташкил этилади. Махсус комиссиянинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Махсус комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади. Унинг ходимларидан котиб бошчилик қиладиган Махсус комиссия Котибияти тузилади.

5. Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини тасдиқлаш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади.

6. Маҳаллийлаштириш дастурига янги лойиҳаларни киритиш, шунингдек тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисидаги қарор:

Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари параметрларига тузатишлар киритиш юзасидан – Махсус комиссия томонидан, маҳаллийлаштиришнинг белгиланган даражасини пасайтириш бундан мустасно;

Махсус комиссиянинг таклифлари бўйича маҳаллийлаштириш лойиҳалари параметрлари ва рўйхатига ўзгартиришлар киритиш юзасидан – Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

III. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ТОМОНИДАН ТАШАББУС КЎРСАТИЛГАН ЛОЙИХАЛАРНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИГА КИРИТИШ ТАРТИБИ

8. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик юритувчи субъектлар – маҳаллийлаштириш лойиҳалари ташаббускорлари (кейинги ўринларда лойиҳа ташаббускори деб юритилади) лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган шакл бўйича Махсус комиссия Котибиятига киритади.

9. Лойиҳа ташаббускори тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

10. Лойиҳа ташаббускоридан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча маълумотларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Махсус комиссия Котибияти лойиҳанинг мақсадидан, уни молиялаштириш манбаларидан келиб чиққан ҳолда тушган таклифларни кўриб чиқиш учун икки кун муддатда ваколатли органларга юборади.

12. Таклифлар бир вақтнинг ўзида қуйидаги ваколатли органлар:

а) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан:

лойиҳанинг Маҳаллийлаштириш дастури мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги;

лойиҳани амалга ошириш имконияти;

маҳаллийлаштиришнинг таклиф этилаётган даражасига эришиш имконияти;

лойиҳани Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш ёки лойиҳа параметрларини ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан лойиҳани амалга оширишнинг умумий иқтисодий мақсадга мувофиқлиги баҳоланади;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан:

маркетингнинг таклиф этилаётган концепцияси, шу жумладан маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни сотиш истиқболлари;

маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ташқи бозорда сотиш нархлари параметрлари (лойиҳа ташаббускори томонидан маҳсулотни экспорт қилиш назарда тутилган тақдирда);

шунга ўхшаш маҳсулот импортини таҳлил қилиш (ТИФ ТН коди бўйича 10 белги даражасида);

лойиҳани Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш ёки лойиҳа параметрларини ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосида лойиҳани амалга ошириш самарадорлиги ва имконияти баҳоланади;

в) Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан – рақобат муҳитини, монополия қилиб олиш даражасини, товарларнинг ўзаро бир-бирининг ўрнини босишини ҳисобга олган ҳолда бозорни тўлдириш ва нарх белгилаш баҳоланади;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан (лойиҳа молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ёки ҳукумат кафолати остидаги кредит маблағлари ҳисобига амалга оширилган тақдирда) – лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланади.

Зарурият бўлганда Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Иқтисодиёт вазирлигида ваколатли органлар мутахассисларидан иборат вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этилиши мумкин.

13. Ваколатли органлар лойиҳа ташаббускорларининг таклифларини кўриб чиқиш натижалари бўйича асосланган хулосаларни ҳужжатлар тушган пайдан бошлаб ўн кундан кеч бўлмаган муддатда Махсус комиссия Котибиятига юборади.

Хулосанинг нусхаси ваколатли орган томонидан лойиҳа ташаббускорига юборилади.

14. Фикр-мулоҳазалар мавжуд бўлган тақдирда ҳужжатлар ваколатли органлар томонидан лойиҳа ташаббускорига пухта ишлаш учун қайтарилади.

Пухта ишланган ҳужжатлар лойиҳа ташаббускорлари томонидан ваколатли органларга тақдим этилади. Ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш ва тегишли хулосаларни Махсус комиссия Котибиятига тақдим этиш ваколатли органлар томонидан илгари билдирилган фикр-мулоҳазалар лойиҳа ташаббускорлари томонидан бартараф этиш шарти билан бир ҳафта муддатда амалга оширилади.

Пухта ишланган лойиҳани кўриб чиқишда ваколатли органлар томонидан янги фикр-мулоҳазалар билдирилишига йўл қўйилмайди.

15. Махсус комиссия Котибияти икки ҳафта муддатда ваколатли органларнинг тушган ижобий хулосаларини умумлаштиради ва махсус Комиссия Протоколи лойиҳасини, зарурият бўлганда, ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлайди, белгиланган тартибда унинг келишилишини таъминлайди ва Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Бир ёки бир нечта ваколатли органнинг салбий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда лойиҳани Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш тўғрисидаги қарор Махсус комиссия мажлисида тегишли хулосалар асосида қабул қилинади.

IV. МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ЛОЙИХАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МОНИТОРИНГИНИ ОЛИБ БОРИШ

16. Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган

хар бир лойиҳа бўйича лойиҳани амалга оширишнинг тармоқ жадвали ишлаб чиқилади. Жадвалда лойиҳа орқали Иқтисодиёт вазирлиги билан келишиладиган аниқ белгиланган муддатларда белгиланган параметрларга эришиш назарда тутилади.

17. Иқтисодиёт вазирлиги тармоқ жадвали асосида Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишнинг, шу жумладан Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларда белгиланган параметрларга эришишнинг тизимли мониторингини олиб боради, уларни амалга ошириш давомида муаммоли масалаларни аниқлайди ва тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади.

18. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларининг ташқи иқтисодий кўрсаткичлар, шунингдек Халқаро саноат ярмарка-

си ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномалар (экспорт-импорт контрактлари) бажарилиши мониторингини олиб боради, уларни амалга ошириш давомида муаммоли масалаларни аниқлайди ва тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади.

19. Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномаларни бажариш мониторингини олиб боришда аниқланган муаммолар ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, барча вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА НАГОЯ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ВАКОЛАТХОНАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 50-51-сон, 541-модда)

Илғор халқаро таълим стандартлари даражасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ундан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, олий таълим соҳасида Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Нагоя университети (Япония)нинг техник ҳамкорлик бўйича хорижий давлатнинг ҳукумат ташкилоти ваколатхонаси сифатида Тошкент шаҳрида Нагоя университети ваколатхонасини (кейинги ўринларда Ваколатхона деб юритилади) очиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Япония ҳукуматининг давлат грантлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини, олий ўқув юртлари талабалари ва битирувчиларини Япония олий ўқув юртларида ўқиш учун танлаш, йўллаш ва ўқишни ташкил этиш Ваколатхонанинг асосий вазифаси ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:
Ваколатхона ва унинг чет эллик ходимлари белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилишини таъминласин;

Ваколатхона буюртманомалари бўйича Ваколатхонанинг чет эллик ходимларига, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикасига келаётган делегация аъзоларига белгиланган тартибда кириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ваколатхона учун Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 107Б-уйда жойлашган Халқаро бизнес-марказда шартнома асосида жой ажратилишини таъминласин.

5. Ваколатхона фаолиятини молиялаштириш Нагоя университети маблағлари ҳисобига амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 15 декабрь
313-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

АЛКОГОЛЛИ МАҲСУЛОТЛАР УЧУН ЭНГ КАМ УЛГУРЖИ-СОТИШ ВА ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Алкоголли маҳсулотларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотишга йўл қўймаслик юзасидан назоратни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2010 йил 1 январдан бошлаб алкогольли маҳсулотлар (пиводан ташқари) учун уларнинг 1-иловага мувофиқ нархлардан паст нархларда сотилиши мумкин бўлмаган энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

алкоголли маҳсулотлар (пиводан ташқари) учун энг кам улгуржи сотиш ва чакана нархлар, маҳсулотларни сотиш нархлари ва ҳажми ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин;

алкоголли маҳсулотларни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлардан паст нархларда сотиш ҳолатлари аниқланган тақдирда алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга ва чакана савдо корхоналарига нисбатан тегишли жарима санкциялари қўлланади, айбдор шахслар эса белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

3. «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда:

алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар бўйича белгиланган талабларга 2010 йил 1 январдан бошлаб риоя этилишини таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўрсин;

ишлаб чиқарувчи корхоналарга ва чакана савдо корхоналарига 2010 йил 1 январдан бошлаб алкогольли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи сотиш ва чакана нархлар жорий этилиши тўғрисида ўн кун муддатда маълум қилсин;

алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар жорий этилиши тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва табдиркорликни қўлаб-қувватлаш давлат қўмитаси 2010 йил 1 январдан бошлаб, белгиланган тартибда мониторинг ва текширишларни амалга оширишда алкогольли маҳсулотларнинг белгиланган энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлардан паст нархларда сотилиши ҳолларини аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўрсинлар.

5. 2010 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 23 декабрь
327-сон.

**АЛКОГОЛЛИ МАҲСУЛОТЛАР (ПИВОДАН ТАШҚАРИ) УЧУН ЭНГ КАМ
УЛГУРЖИ-СОТИШ ВА ЧАКАНА НАРХЛАР**

Сотилаётган товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи	Энг кам чакана нарх
Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	1800	2400
Коньяк, ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	3800	5000

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон қарорига
2-илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА 2010 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН
БОШЛАБ КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартибида:

а) 20-бандга қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан алкоғолли маҳсулотларни (пиво дан ташқари) қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархидан паст нархларда сотиш»;

б) 20-бандда:

иккинчи хатбошига «алкоғолли маҳсулотларни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархидан паст нархларда сотиш ҳоллари бундан мустасно» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи-олтинчи хатбоши қўшилсин:
«Алкоғолли маҳсулотларни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархидан паст нархларда сотиш ҳолатлари аниқланган тақдирда алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонага:

ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархидан паст нархларда сотилган алкоғолли маҳсулот қийматининг 20 фоизи

миқдорида, лекин белгиланган энг кам ойлиқ иш ҳақининг 200 бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

айнан шу қонун бузилиши бир йил мобайнида такроран аниқланган тақдирда – ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархидан паст нархларда сотилган алкоғолли маҳсулот қийматининг 50 фоизи миқдорида, лекин белгиланган энг кам ойлиқ иш ҳақининг 300 бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима қўлланади.

Ушбу банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошида назарда тутилган жарима суммасини аниқлашда сотилган алкоғолли маҳсулот қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам улгуржи-сотиш нархи бўйича ҳисоблаб чиқарилади»;

учинчи ва тўртинчи хатбоши тегишли равишда еттинчи ва саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари 60-бандининг ўнинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам чакана нархдан паст нархлар бўйича».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

**АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ СТАТИСТИК
МАЪЛУМОТЛАР ШАКЛЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 15 декабрда 2054-сон билан
рўйхатдан ўтказилган.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 50-51-сон, 547-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 15-16-сон, 138-модда) ҳамда 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 113-модда) асосан буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари иловага мувофиқ тасдиқлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

тасдиқланган статистик маълумотлар шакллари, 9 ва 10-шакллардан ташқари, адвокатлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тўлдирилиши;

статистик маълумотлар ҳар олти ойда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига тақдим қилиниши (ярим йиллик ва йиллик);

статистик маълумотлар ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5 кунига қадар қоғоз ҳамда электрон шаклларда тақдим қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари тақдим қилинган статистик маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини аниқлаш мақсадида

уларни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиши мумкинлиги;

статистик маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги учун жавобгарлик адвокатлик тузилмасининг раҳбари ва тегишли адвокатга, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига тақдим қилиниши учун жавобгарлик адвокатлик тузилмасининг раҳбарига юкланиши маъқуллансин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатига олинсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (Д.Саъдуллаев) ҳамда Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (Д.Якубова) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.


5. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е.Каньязов зиммасига юклансин.

**Адлия вазири
Р.МУҲИТДИНОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 15 декабрь
280-мҳ-сон.

*2009 йил 25 декабрдан кучга киради.



top

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 1 (234)

2010 йил 11 январь



SANAY Co.Ltd

«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги
омбордан сотилади

Тўлов – исталган
шаклда




Тошкент ш., Ҳамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел: 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ




АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

САМАРАЛИ ҲУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ ВА ТЕЗКОР БОСМА УЧУН ЕЧИМ

- ✓ Konica Minolta рангли рақамли босма тизимлари
- ✓ Тўлиқ рангли ва монохром кўп функцияли офис тизимлари ҳамда Konica Minolta лазерли принтерлари
- ✓ RISO рақамли мини-босмаҳоналари
- ✓ ACCO Brands офис ускуналари




- Барча ускуналарга 1 йиллик кафолат
- Оригинал сарфлаш материаллари ва бутловчи буюмлар
- Фойдаланишнинг бутун даврида техник кузатув

ATK TURON - Konica Minolta, RISO, ACCO Brands нинг расмий ҳамкори

Тел./факс: 237 47 00, 237 48 00. E-mail: info@atcturon.uz, www.atcturon.uz

ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ МАҚСАДИДА

1350 000
сўмдан ошадиган



QUVVAT®

ишлаб чиқаради

Ўзбекистон
бозорига
12 йил

**ЭЛЕКТРОН
СУВ ҲИСОБЛАГИЧЛАР
ИССИҚЛИК ҲИСОБЛАГИЧЛАР
SUMMATOR-3**

Ангрен ш. + (99870) 662 44 77, + (99893) 182 46 57, Тошкент ш. + (99898) 300 22 67
E-mail: sales@quvvat.uz, web-site: www.quvvat.uz

112-09

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ва унинг
вилоят филиаллари бошланғич баҳоси ошиб бориш
тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига
таклиф этади!**

I. РКМБ Марказий идорасининг аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 06.03.2006 йилдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро ҳужжати асосан қуйидаги мол-мулклар тақдоран қўйилмоқда: 1. Тошкент в., Қибрай т., «Мичурин дала ҳовличи-лар» ҳудудига жойлашган, 67-сонли дала ҳовли. Бошланғич баҳоси – 409 032 241,1 сўм. 3. Тошкент ш., Юнусобод т., Низомий кўчасидаги 12-уй, қурилиши тугалланмаган уй-жой. Бошланғич баҳоси – 237 726 543,6 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 2 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел. 228-79-52.

II. РКМБ Навоий вилояти филиалининг аукцион савдосига Қизилтепа туман суд ижрочилари бўлими томонидан 12.09.2008 й. 21-0806/3463 ва 21-0806/33431, 19.12.09 й. 21-0805/6566 ва 14.02.08 й. А40-76778/07-47-57652-сонли ижро ҳужжатларига асосан хатланган «Мақсуд» ИЧТКга қарашли мулклар қўйилмоқда: 1. Қизилтепа т., «Бўстон» қ.ф.й.да жойлашган (ертўла) «Савдо дўкони ва омборхона» биноси. Бошланғич баҳоси – 118 672 208 сўм. 2. Қизилтепа т., А.Навоий кўчасида жойлашган тугалланмаган 2 қаватли бино. Бошланғич баҳоси – 43 730 553 сўм. 3. Қизилтепа т., СИБ томонидан Навоий вилоят ҳўжалик судининг 12.09.2008 йилдаги 21-0806/3437-сонли и.х.га асосан хатланган «Бўстон» ФХга қарашли, Қизилтепа т., «Бўстон» қ.ф.й.да жойлашган «Иссиқхона» биноси. Бошланғич баҳоси – 64 149 828 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 2 февраль куни соат 12.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Навоий филиалининг АТ «Ипотекабанк» Навоий филиалидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452458, МФО 00205, СТИР 200933850. Манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уй, Навоий вилоят ДМҚ маъмурий биноси, 1-қавати. Тел.: 8 (436) 22-4-15-61, 22-4-64-31.

III. РКМБ Фарғона вилояти филиалининг аукцион савдосига Сўх тумани суд ижрочилари томонидан 22.06.2009 йил кунги 15-09-03-/9648-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Сўх тумани, Шарқобод қишлоғида жойлашган «Хушёр» ш/х га тегишли қурилиши эгаллаган майдони – 1 582,41 кв. м бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 88 773 880 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 10 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги бино-иншоотлар 2010 йил 10 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур бино-иншоотларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йил 26 февраль куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 8-373-224-68-70 телефон рақами ёки бир-жанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Фарғона вилоят филиалининг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000700571452023, МФО: 00497, СТИР: 200933850, Манзил: Фарғона ш., М.Қосимов кўчаси, 35-уй.

Юқорида кўрсатилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхта-тилади. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ



237-51-33
237-47-20
237-47-05

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

www.restoran.uz



Ушб АБнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси,
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

"AMIR-AUDIT" МЧЖ

- Хамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - Ушбдаги 5000 ЭКХдан ортиқ

САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48



"OSIYO-AUDIT"

аудиторлик
компанияси

"OSIYO-AUDIT" Ушбнинг 28.02.2008 йилдаги 00124-сон лицензияси (1998 йилдан бун фаолият қилган), 500 млн сўмга сўғурта полиси мавжуд

Барча ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувлари Барча турдаги аудиторлик хизматлари

Сертификатланган аудиторлар ва бош бухгалтерлар доимий ишга таклиф этилади

Тел.: 236-11-60, факс 236-24-32, уяли 111-36-37. E-mail: osiyo-audit@mail.ru

Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:

Нукус - (8-361) 350-40-35, Андижон - (+99897) 103-83-08, Бухоро - (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Наманган - (+99869) 250-77-11, Навоий - (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Қарши - (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Фарғона - (+99873) 502-95-74, Хоразм - (8-361) 350-40-35.



"KORIFEY-AUDIT" МЧЖ

Барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари

Барча турдаги аудиторлик хизматлари

Хизматлар лицензияланган ва сўғурталанган

Тел. 276-75-57. Тел./факс 276-97-76. Уяли тел. 108-30-16.

E-mail: korifev_aft@mail.ru, Бунёдкор шоҳқўчаси, 44, 404-офис

("Мирзо Улуғбек" м.б.) Бухоро: 8(365) 522-11-38, 658-53-41,

Қарши 8(371) 705-09-41,

Хоразм 8(362) 513-34-52, Термиз 8(376) 277-56-61



РЕКЛАМА

237-51-33, 237-47-20, 237-47-05

• РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 4 январдаги ҳал қилув қарорларига асосан Миробод туманидаги банкрот деб топилган ва тугатишга доир ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами	КТУТ (ОКПО)	Қарор рақами
«ATEX-BILD-SERVIS KONSTRUKTION» МЧЖ	300369860	27.03.07	002427-03.	21565189
«ASVELL BIZNES PLUS» МЧЖ	300931503	12.12.08	003434-03	22479051
«ASIA IDEAL CAPITAL» МЧЖ	300972405	29.10.08	003502-03	22554503

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Я.Раҳимов тайинланган. Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2010 йил 25 январда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона.

Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2009 йил 17 декабрдаги ажримларига асосан Чирчиқ шаҳридаги банкрот деб эътироф этилиб, тугатиш жараёни жорий қилинган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Ажрим рақами	Юридик манзили
"NNB-5" ХИЧК	204878204	11-0906/20756(19)	Чирчиқ ш., 8-кичик ноҳия, Бобур шоҳқўч., 26
"ZAFAR SERVIS PLUS" ХК	205243868	11-0906/20757(19)	Чирчиқ ш., 3-кичик ноҳия
"Акара савдо сервис" ХФ	204922222	11-0906/20758(19)	Чирчиқ ш., А.Темур кўч., 118-2

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Чирчиқ шаҳар ДСИ ходими М.Умаров (индекс 111700, тел.: 150-64-85, 6-26-70) тайинланган. Кредиторлар талаблари тугатиш бошқарувчиси томонидан Чирчиқ ш., Темирийўлчилар кўчаси, 128а-уй, Чирчиқ шаҳар ДСИ биносида эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади. Ушбу корхоналарнинг бурчак штамплари ва думалоқ муҳрлари олишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг қарорига асосан Шайхонтоҳур туманидаги «YADA» ҚК (СТИР 202696512) тугатиш ишлари бошланган. Мазкур корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй. Тел 232-00-97.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2009 йил 25 декабрдаги 10-0909/17838-т-сонли қарорига асосан Чилонзор туманидаги «FAYZ-RUS-BARAKA» МЧЖ ҳамда 10-0909/17848-т-сонли қарорига асосан «BEK STAR GOLD» ХК бўйича тугатиш ишлари бошланган. Ушбу корхоналарнинг муҳр ва бурчак тамгалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор шоҳқўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2009 йил 24 декабрдаги 11-0906/20362(19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан Оққўрғон туман ДСИда рўйхатдан ўтган "Дилдор К" ХФ (СТИР 201822244) банкрот деб эътироф этилиб ва тугатишга доир иш юритиш бошланди. Муваққат бошқарувчи этиб Оққўрғон туман ДСИ ходими А.Низов тайинланди. Кредиторларнинг 2-йиғилиши 2010 йил 27 январь куни соат 10.00 да Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Охунбобоев кўчаси, 3-уй, 7-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Мазкур корхонанинг муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхонага алоқадор шахс ва корхоналарнинг муҳражатлари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Охунбобоев кўчаси, 3-уй, Оққўрғон туман ДСИ биноси, 7-хона. Тел.: 55.21-034, 55.21-755.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 4 январдаги 10-0913/18172-сонли ҳал қилув қарорига асосан Миробод туманидаги "TSIN-SYAN MIN SHIN" МЧЖ (СТИР 300808424, рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами: 21.04.08 - 003189-03; КТУТ (ОКПО): 22415380) банкрот деб топилган ва тугатишга доир ишлар бошланган.

Мазкур корхона бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Т.Муртазаев тайинланган. Мазкур корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2010 йил 25 январда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2009 йил 25 декабрдаги 10-0920/19853(19)-сонли ажримига асосан Юнусобод туманидаги «RAVSHAN ALOQA SERVIS» МЧЖга нисбатан банкротликнинг кузатув таомили жорий қилинган. Муваққат бошқарувчи этиб М.Қурбонов тайинланган. Суд муҳокамаси 2010 йил 22 январь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар ҳўжалик суди биносида Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уй, 10-мажлислар залида қўрилади. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2010 йил 15 январь соат 15.00 да Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 17-хонада ўтказилади. Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 17-хонада қабул қилинади. Тел. 235-74-88.

ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ "1С: Бухгалтерия". "1С: Савдони бошқариш". Тел.: 150-41-47, 337-44-50. www.kolizey.uz. Баланс, ҳисоботлар, тиклаш, "1С: Бухгалтерия"га ўқитиш. Тел. 901-53-02. "ТИФ иштирокчиси маълумотно-масси" дастури. ТИФ ТН, тушунтиришлар, товар ҳақида маълумотнома. Ба-тафсил маълумотлар www.mind-system.narod.ru. да. ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР Юридик хизмат кўрсатиш. Де-биторлик қарзини ундириш (натижаларга кўра ҳақ тўланади). Ҳўжалик, жиноят ишлари. Тел.: (+99897) 330-45-71, (+99897) 100-47-33. ADVOKAT ELITE. Корхоналар, ва-колатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва улар-га юридик хизмат кўрсатиш. Суд-лар.* Тел.: 343-41-56, 448-74-69.	Кўчмас мулк бўйича юрист мас-лаҳатлари. Кадастр.* Тел. 448-74-69. БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ Бухгалтерия ҳисобини тиклаш. Ба-ланслар. Маслаҳатлар. Тел. 100-65-80. ХИЗМАТЛАР Юқори вольтли ускуналарни про-филактик синаш, ўрнатиш, созлаш. Лицензияланган, сертификатланган. Тел. 407-78-67. ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: таъ-сис, юридик, тиббий, техник ҳужжат-ларни малакали таржима қилиш. Тел. 252-38-71, 454-80-01. Корхоналар учун умумий овқат-ланишни ташкил этамиз. Тўлов нақд пулсиз ҳисоб-китоб, терминал ор-қали амалга оширилади. Тел. 102-10-20. *Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2009 йил 23 декабрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Шайхонтоҳур туманидаги банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга оид ишлар бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
«TOSHFAYZQURILISH XAMKOR» МЧЖ	10-0907/18315
«UP TO DATE SERVIS» МЧЖ	10-0907/18321
«PIRER TRADE» МЧЖ	10-0907/18320
«LAK OLIF MAXSULOTI» МЧЖ	10-0907/18316
«XUSNIDDIN FULLDILLER PLYUS» ХК	10-0907/18322
«REAL OPTIMUM» МЧЖ	10-0907/18317
«ELDAZ-DESIGN» ХК	10-0907/18312
«AURA POINT SERVIS» МЧЖ	10-0907/18318
«GOLD RADO» МЧЖ	10-0907/18319

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчилари этиб Шайхонтоҳур туман ДСИ ходимлари А.Қодиров ва Д.Ишметов тайинланган. Корхоналарга тегишли бўлган муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинди. Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналарнинг муҳражатлари 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, 100011, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307-хона.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2009 йил 25 декабрдаги ажрим-ларига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги соддалаштирилган тартиб-да банкротлик иши қўзғатилган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
«Alyumosilkat ilm» МЧЖ	10-0907/20009
«Savlat-Qurilish» ХФ	10-0907/20010
«Himoya-Servis» МЧЖ	10-0907/20011
«MFB-Engineering» ХФ	10-0907/20012
«Shinam Qurilish Servis» МЧЖ	10-0907/20013

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2010 йил 5 январь соат 11.00 да Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносида (Тошкент ш., Раҳматуллин кўчаси, 314-уй, 209-хона) ва корхоналарнинг банкротлик иши 2010 йил 8 январда соат 14.00 да Тошкент шаҳар ҳўжалик суди биносида (Чўпон ота кўчаси, 6-уй) ўтди. Ушбу корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 262-17-82.

«Davrus Servis» ХК	10-0917/20051
«Demetra» ХФ	10-0917/20050
«Nexus Biziness International» ШК	10-0917/20049
«Anrus-invest» МЧЖ	10-0917/20048
«Invikta-Star» МЧЖ	10-0917/20047

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2010 йил 15 январь соат 11.00 да Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносида (Тошкент ш., Раҳматуллин кўчаси, 314-уй, 209-хона) ўтказилади. Ушбу корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 262-17-82.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жузълар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зимма-сига юкланади.

Таҳририят оғоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фой-даланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарий-лар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Буюртма 407. Адали 5350. Баҳоси келишилган нархда.
Газета 2010 йил 8 январда соат 23.30 да топирилади.
ISSN 2010-5223